

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳимояга рухсат  
кафедра мудири**

---

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

**“Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни  
такомиллаштириш йўллари”(ОАТ “Алоқабанк” мисолида)**

**мавзусида**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

|                          |       |                      |
|--------------------------|-------|----------------------|
| Битирувчи                | _____ | <u>Раҳимов Б.Н.</u>  |
|                          | имзо  | ф.и.ш.               |
| Раҳбар                   | _____ | <u>Акрамова Г.А.</u> |
|                          | имзо  | ф.и.ш.               |
| Тақризчи<br>маслаҳатчи   | _____ | <u>Душаев Б.М.</u>   |
|                          | имзо  | ф.и.ш.               |
| ҲФХ бўйича<br>маслаҳатчи | _____ | <u>Борисова Е.С.</u> |
|                          | имзо  | ф.и.ш.               |

Тошкент – 2014

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

“АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент” факультети  
“АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси  
Йўналиш 5340100–“Иқтисодиёт” (алоқа ва ахборотлаштириш)

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Кафедра мудири \_\_\_\_\_  
20\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Талаба Раҳимов Бехруз Нурқобиловичнинг  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

**“Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни  
такомиллаштириш йўллари”  
(ОАТ «Алоқабанк» мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишига**

**Т О П Ш И Р И Қ**

- 1. Мавзу университетнинг 2013 йил «30» декабрдаги 1323 – сонли буйруқ билан тасдиқланган.**
- 2. Ишни ҳимояга топшириш муддати:** 28 май 2014 йил.
- 3. Ишга оид дастлабки маълумотлар:** Илмий адабиётлар ва услубий кўрсатмалар  
**Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни:** (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)  
банклараро рақобат шароитида мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг ташкилий асослари, ОАТ «Алоқабанк» мижозларига кўрсатилаётган банк хизматларининг амалдаги ҳолати, банклараро рақобат кураши шароитида банк хизматларини такомиллаштириш истикболлари, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- 4. График материаллар рўйхати:** банкларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган масофавий хизмат турлари, ОАТ “Алоқабанк” томониданг кўрсатилаётган хизмат турлари, ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели структураси.
- 5. Топшириқ берилган сана:** 19.01.2014 йил.

Раҳбар \_\_\_\_\_

ИМЗО

Топшириқ олдим \_\_\_\_\_

ИМЗО

**7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:**

| Бўлим номи | Маслаҳатчи    | Имзо, сана       |                 |
|------------|---------------|------------------|-----------------|
|            |               | Топшириқ берилди | Топшириқ олинди |
| 1.         | Акрамова Г.А. | 19.01.2014       | 19.01.2014      |
| 2.         | Акрамова Г.А. | 05.03.2014       | 05.03.2014      |
| 3.         | Акрамова Г.А. | 04.04.2014       | 04.04.2014      |
| 4.         | Борисова Е.С. | 23.05.2014       | 23.05.2014      |

**8. Ишни бажариш графиги:**

| Т/р | Иш бўлимлари номи                                                                                  | Бажариш<br>муддати | Раҳбар<br>(маслаҳатчи)<br>имзоси |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|----------------------------------|
| 1.  | Банклараро рақобат шароитида<br>мижозларга кўрсатиладиган банк<br>хизматларининг ташкилий асослари | 05.03.2014         |                                  |
| 2.  | ОАТ «Алоқабанк» мижозларига<br>кўрсатилаётган банк хизматларининг<br>амалдаги ҳолати               | 04.04.2014         |                                  |
| 3.  | Банклараро рақобат кураши шароитида<br>банк хизматларини такомиллаштириш<br>истикболлари           | 23.05.2014         |                                  |
| 4.  | Хаёт фаолияти хавфсизлиги                                                                          | 27.05.2014         |                                  |

Битирувчи \_\_\_\_\_  
ИМЗО

2014 йил «19» июнь

Раҳбар \_\_\_\_\_  
ИМЗО

2014 йил «19» июнь

Ушбу битирув малакавий ишда банклараро рақобат курашининг зарурлиги ва моҳияти, банк хизматларининг таркиби ва тузилиши хусусида сўз юритилган. ОАТ “Алоқабанк” миждозларига кўрсатилаётган банк хизматларининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, банк хизматларини такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар баён қилинган.

*В этой дипломной работе речь идет  
ОАК “Алоқабанк”*

*In the given final qualifying work studied  
OJSC “Aloqabank”*

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг маҳсулот ва хизматларига талаб мавжуд экан, бу уларнинг фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда, муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида “Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди”<sup>1</sup> деб таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида банк тизимида ва умуман барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига тўлиқ ва аниқ жавоб бериши алоҳида аҳамиятга эга.

Шу сабабдан Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб банк тизимини ислоҳ қилишда жаҳон андозаларига мос келувчи икки бўғинли замонавий банк тизимини босқичма-босқич яратишга ва банк хизматларини ташкил этишга янгича ёндошишга асосий эътибор қаратилди. Миллий банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини фаоллаштириш ва кучайтириш мақсадида уларнинг фаолияти универсаллаштирилди ва хусусий банклар фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди. Иқтисодиётни модернизациялаш

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.-Тошкент-“Ўзбекистон” -2014.

шароитида, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб банклар томонидан кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштириш, улар фаолиятини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади банклараро рақобат шароитида банк хизматларини такомиллаштириш бўйича тегишли хулосалар беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

- банк фаолиятининг эркинлашуви шароитида банклараро рақобат курашининг зарурлиги ва моҳиятини ёритиш;
- миқозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг таркиби ва тузилишини ўрганиш;
- ОАТ “Алоқабанк”нинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини белгилаш;
- ОАТ «Алоқабанк» миқозларига кўрсатилаётган хизматларнинг амалдаги ҳолати таҳлилини амалга ошириш;
- Ўзбекистонда банк хизматлари бозорини баҳолаш;
- банклараро рақобат кураши шароитида миқозларга кўрсатиладиган банк хизматларини такомиллаштириш йўналишларини ёритиш.

Битирув малакавий ишнинг предмети ОАТ “Алоқабанк” томонидан кўрсатилаётган хизматлар натижасида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

## **1. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА МИҚОЗЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Банк фаолиятининг эркинлашуви шароитида банклараро рақобат курашининг зарурлиги ва моҳияти**

Республикаимиз банклари фаолиятининг ривожланиши, унинг эркинлашуви иқтисодий рақобат муҳитини шакллантириш жараёнига ҳамоҳанг ҳолда давом этмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобат объектив зарурият бўлиб, унинг ривожланишини таъминловчи асос ҳисобланади.

Рақобат иқтисодий тараққиётнинг асоси ҳисобланар экан, банклараро рақобат ҳам пировард натижада иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. “Рақобат – бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки унинг қонунидир”<sup>2</sup>. Шундай экан банклараро рақобат ҳам бозор иқтисодиёти шароитида объектив зарурият ҳисобланади.

“Рақобат – бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатларини юзага чиқариш учун бир-бири билан кураши, уларнинг ўзаро беллашувидир”<sup>3</sup>. Иқтисодчи олимларимизнинг юқоридаги таърифидан кўриниб турибдики, рақобат авваламбор ўз манфатини юзага чиқариш учун курашдир. Банклараро рақобат ҳам ҳар бир банк томонидан ўз манфаатларини юзага чиқариш учун яъни фойда олиш учун курашдан иборатдир. Шундай экан, банклараро рақобат авваламбор мижоз учун курашдан иборат бўлади. Қайси банкнинг мижозлари кўп ва обрўли бўлса ўша банкнинг ўз манфаатларини юзага чиқариш имкониятлари юқоридир.

Мижоз учун кураш ва унга таъсир этувчи омилларни қуйидаги 1.1.1-расмда кўришимиз мумкин.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 27-б.

<sup>3</sup> Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Шарқ, 2006. 223-б.



1.1.1-расм. Миқоз учун кураш ва унга таъсир этувчи омиллар<sup>4</sup>

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики миқозларни ўзига жалб этиш банклар томонидан кўрсатиладиган банк хизматларининг кўлами, сифати ва баҳосига, унинг банк ва миқоз учун самарадорлигига, қўшимча сервис ҳамда рекламага боғлиқдир.

Бугунги кунда банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормокда. Банк фаолиятида рақобатнинг бир неча тури бўлиб, ҳар бири банкнинг инновацион эҳтиёжини ривожлантиришга ва янги банк хизматларини киритишда ўз ҳиссасини қўшади. Банк маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ҳақида гап кетганда, биз унинг инновацион характерини тушунамиз. Маҳаллий молия бозорларида бугунги кунда бозорнинг ҳар бир қатнашчисига катта талаблар қўйилмокда, талабларда рақобатнинг барча турлари қўлланилади. Булар қуйидагилардир: 1. Функционал. 2. Кўринишли. 3. Предметли. 4. Аралаш<sup>5</sup>.

Функционал рақобатнинг пайдо бўлиш сабаби шундаки, ҳар қандай молиявий хизматга бўлган эҳтиёжни кўп йўллар билан қониқтириш мумкин.

Масалан, корхонанинг моддий талабларини қондириш учун (бизнес режа бўйича) кредит, инвестиция, ссуда ва заёмлар олинади. Баъзи хизматлар

<sup>4</sup>Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>5</sup>Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. Управление и операции. Москва: 2001. с-35.

муҳим параметрлар билан фарқ қилади ва кўринишли рақобат пайдо бўлади. Масалан, минимал ёки максимал депозит миқдори ва муддати билан. Мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг сифати асосида рақобатнинг предметли кўриниши юзага келади. Масалан, ахборотни ишончли ҳимоялаш, банк ўзининг ишончилиги, операцияларнинг тезлиги ва ходимларнинг тезкорлиги ва малакаси.

Банклараро рақобат кураши шароитида рақобатбардошлик муҳим аҳамият касб этади. “Рақобатбардошлик – бу рақобатга чидамли бўлиш, унда ғолиб келиш қобилиятига эга бўлишдир”<sup>6</sup>.

Банклараро рақобат курашида банкларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни қуйидаги расмда кўриш мумкин (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. Банкларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар<sup>7</sup>

Банк бошқаруви ва мутахассислар салоҳияти инсон факторини ташкил этади. Банк капиталининг етарлилиги ва сифати ҳамда банкнинг ликвидлилиги унинг барқарор фаолиятидан далолат беради ва мижозлар ишончига сабаб бўлади. Ресурслар барқарорлиги, активлар сифати ишончли фаолият замиридир. Фойдалилик кўрсаткичлари банк акционерлари кўзлаган асосий мақсад ҳисобланади.

<sup>6</sup>Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодий назарияси. Тошкент: Шарқ, 2006. 244-б.

<sup>7</sup>Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Банк фаолиятида рақобатнинг характери бозор характери билан белгиланади. Катта шаҳарларда ва саноати ривожланган ҳудудларда кўп банклар, банк филиаллари мавжуд бўлиб, у ерда мижозларнинг бозор қонуни бўйича рақобат ривожланади. Республикамиздаги кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда банк хизматларига бўлган талаб асосан мини банклар ва кредит уюшмалари орқали қондирилмоқда. Аммо бундай ҳудудларда банк инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, алоқа тизимидаги узулишлар банк хизматларини тўлақонли равишда амалга оширилишига тўсиқ бўлмоқда. Буэса ўз навбатида мижозлар томонидан банк хизматлари учун тўланадиган тўловларни юқори даражада бўлишига олиб келмоқда.

Бизга маълумки банк фаолиятидаги ўзгаришлар исталган йўналиш ёки омилларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

- асосий тармоқдаги ўзгариш: иш фаолиятининг характери ва даражаси, ҳуқуқий йўналиш, мулкчилик шакли, молиялаштириш манбалари ва шартлари, халқаро операциялар ва уларнинг таъсири, диверсификация, бирлашиш, қўшма корхоналар;

- иш ва фаолиятдаги ўзгаришлар – маҳсулотнинг хилма-хиллиги ва кўрсатиладиган хизматлар йиғиндиси, янги бозорлар, харидор ва товар етказиб берувчилар;

- қўлланилаётган технологиялардаги ўзгаришлар – жиҳоз, меҳнат қуроли, материаллар ва энергия, технологик жараёнлар, девонхона техникаси;

- бошқарув ва жараёнидаги ўзгаришлар – ишни ташкил этиш, иш жараёнлари, қарор қабул қилиш ва бошқариш жараёнлари, ахборот изимлари;

- фаолиятни ташкил этиш маданиятидаги ўзгаришлар – қадриятлар, анъаналар, норасмий алоқалар, асос ва жараёнлар, бошқарув услуги;

- кишилардаги ўзгаришлар – раҳбарият ва хизматчи ходимлар, уларнинг лаёқати, алоқаси, хулқи ва ишдаги самарадорлиги;

- фаолиятни ташкил этишдаги иш самарадорлигининг ўзгариши – молиявий, иқтисодий, ижтимоий кўрсаткичлар, ташкилотнинг атроф-муҳит билан қай тарзда боғлиқлиги ва ўзининг ишларини бажариши ва янги имкониятлардан фойдаланиши;

– ташкилотнинг иш доираси ва жамиятдаги обрўсининг ўзгариши.

**Рақобатнинг зарурлиги банк фаолиятининг барча йўналишларида мукаммал сиёсатнинг мавжудлигини тақозо этади.**

**Банк фаолиятининг асосий қисмини кредит операциялари ташкил этишлигини инобатга олган ҳолда, биз қуйида банкнинг рақобатбардошлилигини мустаҳкамлаш учун унинг кредит сиёсатининг айрим жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз.**

**Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ўз кредит сиёсатини шакллантириши фаолиятнинг муҳим томони ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча банк кредит сиёсатининг мазмуни қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:**

– банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш (кредит турлари, сўндириш муддатлари, миқдори ва сифати);

– банк Кенгашининг кредит фаолияти учун жавоб берадиган шахслар юкланган ваколатлар рўйхати (кредит суммалари ва турлари бўйича);

– банк кредит хизмати ҳуқуқларини тақсимлаш ва ахборот тақдим этиш бўйича мажбуриятлар;

– кредит аризалари бўйича текшириш, баҳолаш ва қарор чиқариш тизими баёни;

– кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида албатта сақланадиган ҳужжатлар рўйхати (қарздор молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров, кафолат ҳақида шартнома ва ҳоказолар);

– кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги маълумотлар;

– кредит таъминотини қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;

– барча кредит сифатини белгиладиган меъёрлар баёни;

– энг юқори кредитлаш миқдорини белгилаш ва кўрсатиб ўтиш (яъни кредитлар ва банк ялпи активларининг энг юқори нисбати);

- банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;
- муаммоли кредитлар ташхиси ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари кўрсатилади.

**Кредит сиёсати малакали тузилиб, барча даражаларда меъёрда амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча хатардан халос бўлиш, кредитлаштиришни тўғри баҳолаш имконини беради. Шу билан бир вақтда кредит сиёсати, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шартларни ҳисобга олган ҳолда анча юмшоқ бўлиши жоиз.**

**Тижорат банкларининг кредит ажратишдаги асосий вазифаси - омонатчиларнинг пулларини кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тузилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришини аниқ белгилаб олиши шарт.**

**Банк иши – кутилмаганда оғир ҳолатга тушиб қолиши мумкин бўлган фаолият турларидан биридир. Шунинг учун кредитлар, депозитлар ва бошқа мажбуриятлар ҳамда ўз маблағлари ўртасида мақбул мувозанатни сақлаш банкнинг энг муҳим мақсадларидан биридир. Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфели сифатининг ошишига олиб келади. Тегишли равишда кредит сиёсатининг мақсади ҳуқуқий тартибга солиш диапазони, маблағ олиш имконияти, энг юқори хатар даражаси, ссуда портфели баланси ва муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиши керак. Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари банк Кенгаши томонидан белгиланади. Йиллик кредит билан боғлиқ бўлган фаолият Кенгаш томонидан қабул қилинган ушбу кредит сиёсатига мос ва хос равишда олиб борилишини тақозо этади.**

**Банк мураккаб ва мунтазам ўзгариб турадиган иқтисодий шароитларда, аввал ҳеч қачон дуч келинмаган ёки тўлиқ ҳал этилмаган вазифалар (масалан, хатар концепциясини ишлаб чиқиш ва ссудалар бўйича эҳтимолий зарарларни кўра билиш, кредитлар жамланиши ҳисобини юритиш ва иқтисодий шароитнинг қарздорлар даромадларига қанчалик таъсирини**

аниқлаш) олдида кўндаланг турганида ушбуларни оқилона ҳал қилишда кредит сиёсатининг ўрни айниқса муҳимдир. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш фойда олиш ва самарали иш юритиш ҳолати сақланган ҳолда, бозор эҳтиёжлари қондириладиган энг юқори хатар даражасини аниқлашни тақозо этади. Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос “кредит тили”ни яратади. Бу банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамиятга эга. Қатъий сиёсат асосида яратилган кредит тили банк умумий кредит сиёсатининг ривожланиши учун замин яратади.

Маъсулиятли шахслар кредит сиёсати билан танишишлари ҳамда унга тўлиқ мувофиқ равишда ишлашлари шарт. Кредитларни танлаб, тасдиқланганида ва ҳатто берилганидан кейин ҳам кредит сиёсати талабларига қатъий риоя этиш зарур. Кредит сиёсатида ҳар қандай четланиш тўлиқ ҳужжатлантирилиши, асосланиши ва истиснолар тусига эга бўлиши шарт. Шу тариқа кредит сиёсатини қатъий ва батафсил ишлаб чиқиш ҳар қандай банк учун катта аҳамият касб этади, у кредитлаш тадбирлари мазмунини аёнлаштиради. Бу тадбирларни амалга оширадиган ходимлар мажбуриятларини белгилаб беради. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадларини амалга оширадиган ходимлар мажбуриятларини белгилаб беради. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг кучли рақобат муҳитида асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, хатарларни бошқариш, банк меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Ўзбекистондаги тижорат банклари кредит сиёсатини белгилайдиган иқтисодий, ҳуқуқий ва амалий маълумотларга тўлиқ эгадир. Объектив маълумотларга асосланган, банк Кенгаши томонидан ҳар томонлама таҳлил қилиб тасдиқланган кредит сиёсати барча банкларимизда ҳар йили шакллантирилади. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади. Замонавий иқтисодий муҳит тижорат банклари фаолиятида мавжуд

муаммоларнинг олдини олиб, мамлакатимизда банк ишининг самарадорлигини ошириш асосида халқаро банк амалиётига мос келувчи банк тизимини яратишни тақозо қилади. Мустақил республикаимизда банклар фаолиятини жаҳон амалиётида қабул қилинган умумий тамойилларга мослаштира боришга катта эътибор берилмоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида (14 апрель 1999 й.) ги маърузасида Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек “...бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш зарур. Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси кредит ва молия муассасалари ... шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очиқ эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз”<sup>8</sup>.

Режали иқтисодиётдан эркин иқтисодиётга ўтиш республика тижорат банкларида етарли ресурс маблағлар бўлишини, мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш эса ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларнинг рисклилиқ даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар билан ишлайдилар, улар бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган миждозлар ва кредиторлари олдида мажбуриятга эгадирлар.

Шунинг учун банк амалиётида улар фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи рискнинг иқтисодий категория сифатида моҳиятини очиб бериш, маркетинг турларини ўрганиш, рискни олдиндан кўра билиш, уни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш, тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш каби муаммолар республика тижорат банклари фаолиятида мавжуд ва ўрганилмаган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Банклараро бозорда соғлом рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаганлиги банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг сифати

---

<sup>8</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент. Ўзбекистон, 2000. 28-б.

салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, банклар томонидан бериладиган кредитлар фоиз ставкаларини пасайтириш, муддатли ва жамғарма депозитларига банклар томонидан тўланаётган фоизлар ставкаларини ошириш имконини бермайди, шунинг учун ҳам, тараққий этган давлатларда ва аксарият ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида банклараро бозордаги рақобат муҳитини шакллантириш, айрим банкларнинг бозордаги монопол мавқеига барҳам бериш мақсадида махсус қонунлар қабул қилинган.

Масалан, Россияда банклараро бозорда йирик банкларнинг монопол мавқеига барҳам бериш имконини берадиган “Молия хизматлари бозоридаги рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Бироқ, республикамизда молиявий хизматлар бозорида банклараро рақобатни тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас. Фақат товар бозорларидаги рақобат ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонун мавжуд. Ушбу қонунга кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозоридаги улуши 65 фоизга етиши ва ундан ошиши мумкин эмас.

Банклараро рақобат муҳитининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги банклар томонидан аҳолига ва корхоналарга кўрсатилаётган хизматларнинг турлари ва сифатини ошириш жараёнига салбий таъсир қилади. Чунки банк тизимида монопол мавқега эга бўлган тижорат банклари мижозларга кўрсатаётган хизматларининг сифатини ошириш ва янги банк хизматлари таклиф этишдан манфаатдор бўлмайдилар. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 молиявий йил яқунларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида банклараро рақобат муҳитининг шаклланмаганлигини ва унинг банк хизматлари сифатининг оширишга салбий таъсир қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар<sup>9</sup>.

Шу боис банк иши билан боғлиқ риск ва даромадлилик муаммоларини тадқиқ қилиш, рискларни камайтириш йўллари аниқлаш, уларни ҳал қилиш бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг жаҳон андозасига мос келувчи юқори ликвидликка эга бўлган банк сифатида

---

<sup>9</sup>Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънивиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.-Тошкент. Ўзбекистон, 2007.- 205 б.

**фаолият кўрсатишга имкон беради.**

**Банклараро рақобатлардан бири тижорат банкларининг ҳисоб-китоб тўлов механизми фаолиятини таъминлаш ҳисобланади, чунки корхоналар орасидаги ҳисоблашишларнинг асосий қисми нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалга оширилади. Ҳисоб-китоб тизимларининг ташкил этилиши ва уларнинг тижорат банкидаги самарали таъсири технологик ҳисоб-китоб операцияларининг доимий равишда яхшиланиб туришига, банкларнинг ўз имкониятларни янада фойдали қўллаш учун интилишларга асосланади. Банк инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда бир нечта ҳисоб-китоб тизими мавжуд. Қачонки, банклар ўзаро корреспондент муносабатлар ўрнатганда, ҳисоб-китоблар корреспондент - банклар орқали амалга оширилади. Ҳисоб-китобларни тезлаштириш, комисион тўловларни пасайтириш ва операциялар ишончилигини ошириш учун электрон ҳисоб-китоб тизими тадбиқ этилади.**

**Мижозларнинг халқаро бозордаги фаолиятларининг кенгайиши банкларнинг маслаҳат хизматларига, жумладан, миջозни қизиқтираётган мамлакатдаги тўлиқ молия-иқтисодий ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар, ишбилармон ҳамкорлар топишда, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлашга ва ҳоказоларга янада кўпроқ эътибор беришига ундади. Рақобат натижасида тижорат банкларининг ривожланган босқичдаги фаолият доирасида универсаллаштириш анъанаси кузатилмоқда. Банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги банк қонунчилиги рақобатни тараққий эттирган ҳолда турли кредит ташкилотлар фаолиятига тенг шароитлар яратмоқда. Юқоридаги анъана асосида банкларнинг миჯозлар билан ўзаро алоқалари ўзгартирилмоқда, янги йўналишдаги банк ишини ривожлантириш ташкил қилинмоқда. Бу миჯозларга таклиф этилаётган хизматларнинг ўсишида кўринибгина қолмай, балки тармоқ операциялари сифатининг ўзгаришида, ссуда, омонат операциялари бўйича тўлов миқдорининг камайишида ва қимматли қоғозлар операциялар ҳажмининг ошишида намоён бўлади.**

**Рақобат банкларни тезлик билан уларнинг асосий операцияларини тўлдирувчи ноанъанавий молиявий хизматлар турини ривожлантиришга**

олиб келади. Бу ерда молиявий лизинг операцияларида банкларнинг (тўғри ёки махсус филиаллар орқали) кўчмас мулкларни гаровга қўйиб кредитлаш, дебитор қарзларини сотиб олиш (факторинг), кафолатли амалиётлар ва ҳоказолар назарда тутилмоқда. Бу кўпчилик банкларга рақобат босимини сусайтиришга ва маълум даражада йўқотилган анъанавий бозорларни қоплашга ва фоизли маржаларнинг қисқаришига йўл очиб беради.

Бундан ташқари, банклар аввал ҳеч ҳам тадбиқ этилмаган ва ҳозирги кунгача банк фаолиятида умуман тушунча бўлмаган янги йўналишлар – кредитларни суғурталаш, туризм ва кўнгилочар соҳаларида тўлов карточкаларини чиқариш, информацион хизмат кўрсатиш билан шуғулланишга интилмоқда. Банкнинг ютуғи, уларнинг кўрсатаётган молиявий хизматларининг қай даражада жамият талабига жавоб бериши, уларнинг нарх муносабатларида қанчалик сифатли ва рақобатбардошлигига боғлиқ.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида банклараро рақобат бўлиши муқаррар ва у банк фаолиятининг эркинлашуви, ислохотларнинг чуқурлашуви билан мутаносиб равишда ривожланиб боради. Банклараро рақобат кураши банк хизматлари кўламинининг кенгайиб боришига, хизмат нархларининг оптималлашувига ва банк фаолиятини бошқаришнинг такомиллашувига олиб келувчи жараён ҳисобланади.

## **1.2. Мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг таркиби ва тузилиши**

Банк хизматлари деганда, банкнинг оператив ва стратегик фаолияти, самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар мажмуаси тушунилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банклари ўз хизматлари мажмуасини шакллантиришга эришди. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида банклар ўртасидаги рақобат кураши уларни кўшимча мижозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш учун янгича ёндашишга ундамоқда.

Тижорат банклари хизматларини иқтисодий мазмуни ва кўзланган

мақсадига кўра, икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

**1. Маълум даражада банкнинг ликвидлигини сақлаб туриш учун бажариладиган хизматлар.**

**2. Даромад олиш мақсадида бажариладиган хизматлар.**

Ушбу икки хизматлар гуруҳи ўртасида маълум нисбат мавжуд бўлиб, у банк фаолиятини сифат жиҳатдан маълум даражада таъминлаб туриш имконини беради. Банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида бажариладиган хизматларнинг баъзилари банкга даромад келтирсада, улар мавжудлигининг сабаби банк умумий ликвидлигини маълум даражада ушлаб туришдан иборатдир.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг хизматлари қуйидаги турларга бўлинади:

- иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, жисмоний шахсларни кредитлаш;

- давлат қимматли қоғозлари билан амалга ошириладиган хизматлар;

- корхона ва ташкилотларнинг қимматли қоғозлари билан ошириладиган хизматлар;

- миллий ва халқаро валюта бозорларидаги хизматлар, мижозларга ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатиш;

- лизинг, факторинг, форфейтинг хизматлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан мижозларга 50 га яқин банк хизмат турлари таклиф этиляпти. 1996 йилнинг 25 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4 моддасида Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширишлари белгиланган:

— жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

— омонатларни жалб этиш;

— кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизинг;
- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар.

**Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида уларнинг хизматларини ўрганиш масаласи муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Тижорат банклари юқори даражада ривожланган молиявий бозор шароитида маълум жиддий қийинчиликларга дуч келади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу ташқи омиллар тижорат банклари молиявий таркибига таъсир қилиб, хизматларини сифатли ташкил этишни биринчи даражага қўймоқда. Тижорат банклари ўз фаолиятлари жараёнида турли хизматларни бажарадилар. Банкнинг хизматлари таркибида етакчи ўринни кредит бериш**

хизматлари эгаллайди. Фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида

Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлик даражаси юқори ўрганилган талаб даражасида бўлишини назорат қилган ҳолда, хизматларнинг даромадлилиги даражасига ҳам эътибор бериш зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, банклар ўртасида рақобат кураши кучайган даврда банк хизматларининг даромадлилигини мунтазам кузатиб бориш, самарали хизмат турларидан кўпроқ фойдаланиш ҳар бир банк Бошқаруви ва Кузатув Кенгашининг биринчи даражали вазифаларидан бири ҳисобланади.

Банк хизматлари юқори даромад олиш билан биргаликда мижозлар ва жамият олдидаги ижтимоий мажбуриятларини бажариш билан биргаликда турли хайрия ва умуммиллий тадбирларида ҳам фаол иштирок этиши лозим.

Банк хизматлари банк даромадларини оширишга, хусусий ва корпоратив банклар, иқтисодиётнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган банк тадбиркорлигининг анъанавий соҳаси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида миллий банк тизими қатор муаммоларга дуч келмоқда ва шулардан бири тўлиқ ишлаб чиқилмаган банк хизматлари мажмуи ва назарияси ривожланиши билан боғлиқ. Ушбу мақсадга эришиш мижозларга кўрсатиладиган банк хизмати тушунчаси, унинг банк операцияси ва банк маҳсулоти тушунчалардан фарқи алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий адабиётни чуқур ўрганиш асосида банк хизмати, банк операцияси, банк маҳсулоти ва банк хизматлари бозори тушунчаларининг иқтисодий моҳиятини қуйидагича очиқ берилди. Бизнинг фикримизча:

Банк хизмати – банк операцияларини ўтказишни оптималлаштирувчи назарий, технологик, молиявий, интеллектуал ва профессионал банк фаолиятидир.

Банк хизмати мижозларнинг банк фаолиятига бўлган талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган хизматлардир. Шу билан бир қаторда фикримизча банк хизмати тушунчасига банк операцияларини оптималлашувини ҳам муҳим элемент сифатида қараш лозим, чунки банклар

хизматининг турини танлашда ушбу операциянинг самарадорлиги, қулайлиги ва сифатлилиги даражасига жиддий эътибор бериш лозим ҳамда ушбу кўрсаткичлар банк хизматлари рақобатбардошлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Банк операцияси – банк томонидан амалга ошириладиган пул маблағларини жойлашишини назарда тутувчи ва аниқ иқтисодий масалани ечишга қаратилган ўзаро боғлиқ бўлган банк ва мижоз ҳаракатлари мажмуи.

Пул маблағларини жалб қилиш, уларни жойлаштириш ва ушбу амалиётларни бажаришда аниқ, олдиндан белгилаб олинган иқтисодий масалаларни ҳал этишни назарда тутиш банк операцияларининг асосини ташкил этади. Умуман, пул маблағларини жалб этиш ва жойлаштириш банк ва мижознинг ўзаро тенг ҳуқуқли ва томонлар манфаатларини ифодаловчи ҳаракатлари йиғиндисидир.

Банк маҳсулоти – алоҳида кўринишдаги банк фаолиятининг мижозлар талабини қондиришга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган банк хизматлари ва операциялари мажмуи.

Бизга маълумки маҳсулот – бу фаолият натижасидир. Шундай экан мижозлар талабини қондиришга йўналтирилган хизматлар ва операциялар натижаси банк маҳсулотини ташкил этади. Ушбу маҳсулотнинг сифати, баҳоси ва қулайлиги банклараро рақобат курашларида рақобатбардошликнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

Умуман банк хизматлари, операциялари ва маҳсулотлари ўзаро чамбарчас бир-бирлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий тушунчалардан иборат. Банк мижозлари томонидан ушбуларга талабнинг мавжудлиги банк хизматлари бозорининг мавжудлигини эътироф этади.

Банк хизматлари бозори – мижозлар талабини қондиришга қаратилган банк хизмати талаби ва таклифининг шаклланиш соҳаси. Бозор иқтисодиёти қонунларидан бири ҳисобланган баҳо ҳар доим бозордаги талаб ва таклиф натижасида аниқланади. Амалиётда банк хизматлари бозорида, кўрсатиладиган хизматлар, операциялар ва банк маҳсулотларининг баҳоси, мижозлар томонидан уларга бўлган талаб, хизматлар таклифининг сифати,

тезкорлиги каби омиллар таъсири орқали аниқланади.

Тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг муҳим турларидан бири уларни кредитлаш ҳисобланади. Кредитлаш асосий хизмат тури сифатида эътироф этишнинг сабаби шундаки, тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий моҳиятига кўра кредитлаш институти ҳисобланади.

Кредит фаолияти кредит ресурсларига эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган қайта тақсимлашни амалга ошириш ҳамда кредит фаолиятининг субъектлари учун даромад олиш имконини беради. Кредит фаолияти яратувчилик табиатининг моҳияти олинаётган ёки берилаётган ресурслар орқали ўз манфаатларига эришишдан иборат. У иқтисодий муносабатларнинг ана шу жиҳатини етакчи ўринлардан бирига чиқаради. Кредит фаолиятининг қатнашчилари шу фаолият натижасида бевосита ёки билвосита даромад кўрадилар. Кредит фаолияти барча манфаатдор тарафларга реал фойда келтиради. Қарз олувчилар маълум бир муддатга ўзларининг тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби манфаатларига етишиш мақсадида йирик пул капиталидан фойдаланиш имконига эга бўладилар, кредиторлар эса фоиз кўринишида даромад оладилар. Бундан ташқари, кредит фаолияти ишлаб чиқаришга инвестициянинг кириб келишини рағбатлантиради, прогрессив таркибий силжишларга туртки бўлади. Бугунги кунда кредит иқтисодиётни макро даражада тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. У миллий валюта ва баҳолар барқарорлигини, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби бирламчи масалаларни ҳал этишда ёрдам беради.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятида ижара ёки лизинг операцияларини молиялаштириш кенг ривож топмоқда. Бу хизматларнинг моҳияти шундаки, банклар машина-ускуна, жиҳозлар, транспорт воситаларини саноат корхоналарига узоқ муддатга ижарага беришади ва улар билан лизинг шартномалари тузишади. Бу ҳолда банк воситаларни сотиб олиш учун саноат корхоналарига ссуда бериш ўрнига уларни ўзи сотиб олади ва уларни истеъмолчиларга ижарага берган ҳолда эгалик ҳуқуқи ўзида сақланиб қолади. Бунда банк кредит фоизини эмас, балки ижара ҳақини

(лизинг тўловини) олади. Корхоналар учун эса лизинг, инвестицияларни молиялаштириш мақбул усулларида бири ҳисобланади.

Тижорат банкларидаги хизматларнинг яна бир тури бу факторинг бўлиб ҳисобланади. Бу хизматлар тўловлар айланишини амалга ошириш билан боғлиқдир. Факторинг ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳасидаги янги банк хизмат турларидан бўлиб, мижознинг айланма капиталини кредитлаш билан мувофиқлашади. Факторинг операцияларида банк ўз мижозларининг дебиторларга талабларини сотиб олади. Бунда банк талабнинг 70-90%ини (фоиз даражаси мижознинг молиявий ҳолати, ликвидлилик даражаси ва бошқа молия кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда турли хил бўлиши мумкин) аванс тариқасида бирданига тўлаши, қолган қисмини эса (кредит учун фоизни ҳисобга олмаган ҳолда) белгиланган муддатда дебитордан тўлов тушишидан қатъий назар тўлайди. Факторинг банк мижозларига хизмат кўрсатишнинг универсал шакли ҳисобланади. Чунки мижозлар ўз талаблари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш, уларнинг тўловлилигини текширишдан холи бўлишади. Банклар мол сотиб олувчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборотни мижозларга етказишлари хорижий давлатлардаги тўловлар кафолатини ўз бўйнига олишлари мумкин. Банклар учун бу хизматлар юқори даромад келтиргани учун улар бу хизматларни бажаришда манфаатдор ҳисобланади.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси сифатида иштирок этади ва эмиссия брокерлик, дилерлик фаолиятини бажаради, қимматли қоғозлар билан савдони ташкил қилади.

Тижорат банклари:

- қимматли қоғозларни эмиссия қилиши (акциялар, депозит сертификатлари, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни);
- қимматли қоғозларни сотиб олиши, сотиши ва сақлаши ҳамда улар билан бошқа операцияларни бажариши;
- ишончли операцияларни амалга ошириши;
- маблағларни жалб қилиши ва жойлаштириши, қимматли қоғозларни бошқариши ва мижозларни топшириғига биноан бошқа операцияларни амалга ошириши мумкин.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги муҳим фаолиятларидан яна бири бу инвестициядир. Тижорат банклари инвестиция фаолиятига кириб борар экан, инвестицияларнинг функционал тузилмасини алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини иқтисодий моҳияти ва аҳамияти шундаки, турли соҳаларда фаолият юритувчи мижозларни тижорат банкларга жалб қилиш йўли билан қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, фойда олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни бўш молиявий ресурсларини инвестицияларга самарали жойлаштириш ва инвестиция фаолияти натижасида тадбиркорлик фаолияти объектларини мулкӣ ва интеллектуал бойликларини даромад шакли ва бошқа фойда самарадорлигига йўналтиришдан иборатдир.

Омонатлар банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларидан биридир. Омонатлар мижозлар пул маблағларининг хавфсиз сақланиши ва яхши даромад олиш манбаи ҳисобланади. Мижозларнинг банклардаги омонатлари “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди” томонидан кафолатланадиган шу билан бир қаторда:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- маблағлар манбалари декларация қилинмайди;
- маълумотлар тўлиқ сир сақланади.<sup>10</sup>

Ҳисоб-касса хизматлари. Тижорат банклари миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб рақамларга хизмат кўрсатади. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг миллий валютада банк ҳисоб рақамларини очиш ва хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг чет эл валютасида банк ҳисоб рақамларини очиш ва хизмат кўрсатиш.

Пластик карталар хизмати. Тижорат банклари юридик ва жисмоний шахсларга пластик карталар хизматини амалга оширади.

Юридик шахслар учун: ташкилотлар фаолият кўрсатиши учун зарур


---

<sup>10</sup><http://www.aloqabank.uz>

бўлган тўловларни банкнинг корпаратив карталари орқали нақд пулсиз амалга ошириш хизматидир. Корпаратив пластик карталардан фойдаланиш ходимларнинг хўжалик, хизмат сафари ва вакиллик харажатларини бошқаришга ёрдам беради.

Жисмоний шахслар учун: карта эгалари ўз маблағларини бошқаришлари, товар ва тўловлар учун нақдсиз шаклда тўловни амалга оширишлари, банк бўлимларида ва банкоматлар орқали нақд пулларга эга бўлишлари мумкин.

**Масофавий банк хизматлари.** Бугунги кунда тижорат банклари томонидан қуйидаги масофавий банк хизматлари кўрсатилмоқда (1.2.1-расм):



1.2.1-расм. Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган масофавий хизмат турлари<sup>11</sup>

Электрон тўлов тизими – бу банклараро нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг замонавий кўринишидир. Бу тизим орқали банклараро нақд пулсиз тўловлар тез ва аниқ амалга оширилади. Бундан электрон пуллар мамлакатнинг исталган бурчагига санокли дақиқалар ичида ўтказилади. Тўловларни амалга оширишда ушбу тизим аъзолари орасида махсус электрон ускуналар орқали тармоққа уланган банкнинг ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушади. Натижада вақт ҳам тежалади, харажатлар ҳам камайтиради.

<sup>11</sup>Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

**“Банк-Мижоз” тизими буйича кўрсатиладиган хизматлар доираси банк хизматларининг барча асосий турларини ўз ичига олади. Булар, хусусан, тўловлар ўтказиш, банкдаги ҳисобварқалар ҳолати, улардаги тушумлар ва чиқимлар тўғрисида муфассал ахборот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмалар олиб бориш кабилардир.**

**Бугунги кунда халқаро банклар томонидан қўлланилаётган ахборот технологияларига асосланган банк технологияси бу SWIFT тўлов тизимидир. SWIFT – бу халқаро компьютер алоқасидир. SWIFT сўзи – “Халқаро банклараро телекоммуникациялар жамияти” (Society for Worldwide InterbankFinancial Telekommunication) маъносини англатади ва аъзо банклар ўртасида маълумот юборувчи восита хизматини бажаради.**

**Интернет-банкнинг — бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан, пластик карталарга очилган ҳисобварақларини интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури орқали мижоз масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш имконига эга бўлади.**

**СМС-Банкинг – бу мижоз ўз иш жойидан туриб банк билан СМС маълумотлар орқали банк билан мулоқотда бўлишидир. СМС – банкинг дастурида ишлаганда мижоз кечаю-кундуз ўз ҳисоб варақасидаги маблағлар ҳаракатини мобил телефонида СМС кўринишдаги маълумотлар орқали кузатиб бориш имкониятига эга бўлади.**

**Шундай қилиб, банклараро рақобат кураши шароитида банк хизматлари кўламини аниқлаш, уларнинг самарадорлигига эътибор қаратиш, мижозларнинг талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кенг кўламли банк хизматлари спекторида, хизматларни диверсификациялаш рақобат шароитида муҳим воситадир.**

## **2. ОАТ “АЛОҚАБАНК” МИЖОЗЛАРИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ**

### **2.1. ОАТ “Алоқабанк”нинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни**

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва такомиллаши натижасида бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Сабаби ҳеч бир ҳўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга ошириши жараёнида банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди ва барча ҳисоб-китобларни банк орқали амалга оширади. Шу сабабли банк тизимини мустаҳкамлаш уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида кенг эътибор бериб келинмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларни буларнинг исботи сифатида келтиришимиз мумкин. Иқтисодиётнинг реал сектори ҳисобланган банк тизимида ўтказилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли мулкчилик шаклларига асосланган 28 дан ортиқ тижорат банклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ҳар бирининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ўзгачадир.

Шундай тижорат банклардан бири, жадал суръатлар билан ривожланаётган, ОАТ “Алоқабанк”дир. Очик акциядорлик-тижорат “Алоқабанк” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 502-сонли Қарорига асосан, алоқа корхоналарига, кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий кўмак бериш мақсадида ташкил қилинган.

**ОАТ “Алоқабанк” универсал-тижорат банк сифатида:**

- 2012 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 8-А/2-сонли банк амалиётларини амалга ошириш лицензияси (30.04.2009 йилдаги,

13.08.2004 йилдаги, 23.06.2001 йилдаги ва 22.04.1995 йилдаги 48-сонли лицензияларга алмаштирилган);


- 2012 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 55-сонли хорижий валютада амалиётларни амалга ошириш ҳақидаги Бош лицензияси (30.04.2009 йилдаги 42-сонли, 29.01.2005 йилдаги 7-сонли, 07.12.2001 йилдаги 54-сонли ва 21.08.1996 йилдаги 38-сонли лицензияларга алмаштирилган) асосида фаолият кўрсатмоқда.

**Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли очик акциядорлик тижорат банки бўлиб, бугунги кунда банк акциядорлари 3 902 тани ташкил этади. Шундан, 682 нафари юридик шахслар, ҳамда 3 220 нафари жисмоний шахслардан иборатдир.**

**Банк акциядорлари сафидан бир қатор нуфузли компаниялар, ташкилотлар ва қўшма корхоналар ўрин олган (2.1.1-расм).**

**Бугунги кунда ОАТ “Алоқабанк”нинг инфраструктураси ўз ичига:**

- пойтахт амалиёт бошқармаси ва 13 та ҳудудий филиалларни;
- хусусий ва кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек аҳолининг кенг қатламига банк хизматлари кўрсатишни географик кенгайтириш мақсадида ташкил этилган 22 та минибанкни;
- республикамиз бўйлаб алоқа хизматлари, коммунал ва бошқа тўловлар қабул қилиш, шунингдек аҳоли омонатлари бўйича амалиётлар ўтказиш учун ташкил қилинган банкнинг 95 дан ортиқ операцион кассасини;
- 39 та валюта айирбошлаш шохобчаларини;
- пул ўтказмаларини амалга ошириш учун 45 та халқаро пул ўтказиш шохобчаларини қамраб олади.



2.1.1-расм. ОАТ “Алоқабанк” акциядорлари<sup>12</sup>

Банк халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар ва аҳолига кенг кўламдаги сифатли молия хизматларини кўрсатиб келмоқда.

**Банкнинг асосий йирик мижозларини ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳаси корхоналари ташкил этади:**

- Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси;
- “Ўзбектелеком” АК;
- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ;
- Электромагнит мослашув маркази;

<sup>12</sup> ОАТ “Алоқабанк” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- “Матбуот тарқатувчи” АК;
- Давлат алоқа инспекцияси;
- Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Жамғармаси;
- Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва бошқалар.


Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги, қурилиш, текстил саноати, суғурта компаниялари, савдо ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарига банк ўзининг хизматларини кўрсатиб келмоқда.

ОАТ “Алоқабанк”нинг кўп йиллик иш тажрибаси, молиявий сиёсати, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишда инновацион ёндашув мижозларнинг банкка бўлган ишончини доимий равишда ошириб бормоқда ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Шу кунга қадар банк қуйидаги 2.1.2-расмда келтирилган йирик ташкилотларга аъзо бўлган.

Банк ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатишнинг асосий тамойиллари доимий конструктив диалог, уларнинг муаммоларига ва эҳтиёжларига эътибор қаратиш, тезкор самарали қарорлар қабул қилиш ва ахборотларнинг ошқоралиги ҳисобланади. Муносабатларининг ўсиши ва ривожланиши банк ва мижознинг молиявий ҳолати билан изоҳланади.

Кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини кенгайтириш ҳисобига мижозлар базаси ҳисобот санасига 177 350 тани ташкил этди. Мижозлар базасини таркиби қуйидагилардан иборат:

- юридик ташкилотлар – 6 235 та;
- юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар – 4 748 та;
- аҳоли омонатчилари – 38 047 та;
- пластик карточкалардан фойдаланувчилар – 126 490 та;
- VISA халқаро пластик карточкалардан фойдаланувчилар – 1 830 та.



2.1.2-расм. “Алоқабанк” аъзо бўлган ташкилотлар<sup>13</sup>

Корпоратив мижозлар билан ишлаш ОАТ “Алоқабанк”нинг муҳим ва мунтазам ривожланиб боровчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Банк томонидан таклиф этиладиган кенг кўламдаги хизматлар, юқори профессионализм ва банк ходимларининг банк соҳасидаги кўп йиллик иш тажрибаси, шу қаторда корпоратив мижозларга ҳам кўрсатиладиган банк операциялари фойдасининг ошишига ёрдам бермоқда. ОАТ “Алоқабанк”нинг ижодкор иши, ҳам миллий рейтинг Агентлиги “Ахбор-рейтинг”, ҳам машхур халқаро рейтинг агентлиги “Moody’s” томонидан тан олинган.


Жумладан, “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан ОАТ “Алоқабанк”га қуйидаги халқаро рейтинг баҳолари берилган:

- барча рейтинглар бўйича прогноз – “Б А Р Қ А Р О Р”;
- миллий валютадаги депозитлари бўйича - B1/Not Prime;
- хорижий валютадаги депозитлари бўйича - B2/Not Prime;
- банкнинг молиявий барқарорлиги - E+.

“Ахбор-Рейтинг” банклараро рейтинг компанияси ОАТ “Алоқабанк”га миллий шкала бўйича кредитга лаёқатлилиқ “uzA+” “Б А Р Қ А Р О Р”, рейтингини берди.

<sup>13</sup> ОАТ “Алоқабанк” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ОАТ “Алоқабанк” ўзининг бутун фаолияти давомида молиявий бозордаги ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга интилиб бормоқда. ОАТ “Алоқабанк” капитал базаси юқори бўлган банклардан бири ҳисобланади ва шунга мос равишда банк капиталининг мослиги бўйича барча талабларни бажармоқда. Банк учун энг муҳим устуворлик ва ривожланиш стратегиясининг муҳим йўналиши, бу – капитал базасининг турғунлигини таъминлашдир. 2012 йилда банкнинг умумий капитал ҳажми 105,3 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса олдинги йилга нисбатан 25,6 миллиард сўмга ортиқ ёки унга нисбатан 32% ни ташкил этади. Банк капитали сўнгги 5 йилда 3 мартага ортиди. Буни қуйидаги 2.1.3-расмда кўришимиз мумкин.




2.1.3-расм. “Алоқабанк”нинг шахсий капитали динамикаси<sup>14</sup> (млрд. сўм)

2012 йил 1 январ ҳолатига кўра банк активлари 629 миллиард сўмни ташкил этади, бу эса ўтган ҳисобот даврига нисбатан 141 миллиард сўмга ортиқ ёки унга нисбатан 28,9%ни ташкил этади. Охирги беш йилда банк активлари 3 марта ортиди. Банк активларини келгусидаги стратегик юналишларни аниқлаш йўли орқали бошқаришда молиявий турғунликни таъминлаш, фойда ва ликвидликнинг мақбул даражаларига етишиш, шунингдек банк хавф-хатарларини рационал бошқаришга амал қилинди.

Қуйидаги 2.1.4-расмда ОАТ “Алоқабанк”нинг 2008-2012 йиллардаги активлар динамикаси келтирилган.

<sup>14</sup>ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2.1.4-расм. “Алоқабанк”нинг активлар динамикаси<sup>15</sup> (млрд.сўм)

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ОАТ “Алоқабанк” нафақат ўз турғунлигини сақлаб қолди, балки баъзи позициялар бўйича динамик ўсишларларга эришди. Катта ҳажмдаги маблағларни рақобатбардош, ички бозорда талабга эга бўлган ва экспорт бўйича талабларга жавоб берувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг реал сектори мижозларини қўллаб-қувватлашга йўналтирди. (2.1.1-жадвал).

ОАТ “Алоқабанк” мижозларга кенг қўламда сифатли банк хизмати кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор қаратади. Шу сабабли банк ҳисобот йили давомида вакиллик муносабатлари тизимини такомиллаштириш, вакиллик муносабатлари ўрнатилган банклар билан ўзаро иқтисодий манфаатли тамойиллар асосида ҳамкорлик олиб бориш борасида ишларни давом эттирди.

2.1.1-жадвал

Корхоналарга киритилган инвестициялар таркиби<sup>16</sup>

| № | Корхоналар номи           | Млн. сўм | Салмоғи, (%) |
|---|---------------------------|----------|--------------|
| 1 | “Ўзбектелеком” АК         | 203,7    | 2,8          |
| 2 | “Алском” СК               | 1197,7   | 16,3         |
| 3 | “Uzdigital TV” МЧЖ        | 491,8    | 6,7          |
| 4 | “Elxolding” МЧЖ           | 2 125,0  | 28,9         |
| 5 | “Nano lizing” МЧЖ         | 1 200,0  | 16,3         |
| 6 | “Markaziy ippodrom” ОАЖ   | 767,0    | 10,4         |
| 7 | “Агротехсервис” Корхонаси | 594,3    | 8,1          |

<sup>15</sup>ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>16</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида.

|    |                                     |               |            |
|----|-------------------------------------|---------------|------------|
| 8  | <b>Қишлоқ хўжалиги корхоналари</b>  | <b>300,0</b>  | <b>4,1</b> |
| 9  | <b>“SVYAZSOORUJENIYA STROY” МЧЖ</b> | <b>100,0</b>  | <b>1,3</b> |
| 10 | <b>Бошқа корхоналар</b>             | <b>374,8</b>  | <b>5,1</b> |
|    | <b>Жами</b>                         | <b>7354,3</b> | <b>100</b> |

Халқаро нуфузли JP Morgan Chase Bank (АҚШ), Commerzbank AG (Германия), Райффайзен банк (Россия), Русславбанк (Россия), Заминбанк (Азербайжон), Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки, Ўзсаноатқурилишбанк каби ишончли, молиявий барқарор банклар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттириб келмоқда.

**Валюта амалиётлари бўйича 2012 йил 31 декабр ҳолатига 142 340 та мижозларга, жумладан 602 та юридик ва 141 738 та жисмоний шахсларга банк хизмати кўрсатилди.**

**Ҳисобот даври давомида валюта маблағларининг экспорт тушуми 169,2 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиб, 50 фоиз мажбурий сотув 77,0 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида амалга оширилган.**

**Банк томонидан 2012 йил 31 декабр ҳолатига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали умумий 128,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари ўз эгаларига етказиб берилди (жумладан, 109,0 млн. АҚШ доллари миқдорида республика аҳолисига, 19,6 млн. АҚШ доллари миқдорида республика ҳудуди ташқарисига).**

Банк валюта назорати агенти сифатида 2012 йил давомида мижозлар экспорт-импорт шартномалари устидан назорат олиб бориш ишларини давом эттирди. 2012 йил 31 декабр ҳолатига кўра, умумий суммаси 872,3 млн. АҚШ доллари миқдорида 448 та экспорт шартномаси ҳамда умумий суммаси 1 073,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 1 461 та импорт шартномалари устидан тўлиқ назорат олиб борилди. 2.1.5-расмда банк томонидан 2008-2012 йилларда экспортдан олинган тушум динамикаси келтирилган.



2.1.5-расм. “Алоқабанк”нинг экспорт тушуми динамикаси<sup>17</sup> (млн. АҚШ доллари)

**ОАТ “Алоқабанк” олдида турган вазифаларни ечишнинг зарурий шарти ахборот технологияларни ривожлантириш – автоматлаштиришнинг янги сифат босқичига чиқиш, телекоммуникация инфратузилмаси ва техник воситалар комплексини такомиллаштириш ҳисобланади.**

Банк дастурий таъминот ва ахборотларни сақлаш тизимларини босқичма-босқич бир хиллаштиришга, барча тизим ва иловаларнинг ишончли, барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланган шароитда ягона ахборот майдонини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу сабабли, ахборот технологияларини ривожлантириш тадрижий йўл билан амалга оширилади - амалдаги автоматлаштирилган банк тизимлари сақлаб қолинади, яъни, банк кўламида ягона бўлган технологик ечимлар уларнинг атрофида яратилади.

Мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш стратегиясини амалга ошириш доирасида, шуниндек пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ошириш учун банкда “Банк-Мижоз”, “СМС-Банкинг” ва “Интернет-Банкинг” тизимларини ўз ичига олган бир бутун технологик мажмуа муваффақиятли ишлаб турибди. Амалдаги банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари “Интернет-банкнинг” ва “Мобил-банкнинг” дастурларидан фойдаланувчи корпоратив мијозлар сони 2013 йил 1 январь ҳолатига 2423 тани ташкил этди. Жисмоний шахслар омонатларининг ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар бўйича мијозларга СМС-ахборотлар юбориш

<sup>17</sup>ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йўлга қўйилди. Онлайн режимида ишловчи пластик карточкалар тизимининг SMART VISTA дастури ва шу орқали пластик карточкалар ҳисобрақамларидаги ҳаракатлар бўйича СМС-ахборотлар юбориш амалиётга татбиқ этилди.

Халқаро тўловларни амалга ошириш бўйича SWIFT дастурий комплексининг янги 7.0 версияси татбиқ этилди. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, кредитлар, пул муомаласи бошқармаларининг статистик ҳисоботларини ва қимматли қоғозлар бўлими депозитарий ҳисоботларини электрон кўринишда узатиш йўлга қўйилди.

Банкнинг барча филиалларида электр таъминотидаги узилишларни олдини олиш мақсадида узлуксиз электр манбаи (UPS) ва дизель генератор станциялари сотиб олинди ва ишга туширилди.

Ҳисобот даврида бошқарма замонавий АКТларини банк фаолиятига татбиқ этиш юзасидан маълум ишлар бажарилиб, банк бошқарувига банк ахборот хавфсизлигини юқори даражада таъминловчи, жаҳон стандартларига мос замонавий телекоммуникацион комплекс лойиҳаси таклиф этилди. Бунда банк компьютер тармоғини коммутациялаш ва маршрутларни аппарат даражасида бошқариш имкониятини берувчи тармоқлараро химоя экранларидан фойдаланиш назарда тутилган бўлиб, маълумотлар узатилиши “нуқта” - “нуқта” усулида амалга оширилади. Ушбу тизимнинг афзаллиги тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан бирга унинг ахборот узатишдаги, шифрлашдаги, қайта ишлашдаги тезкорлиги юқорилигидадир.

ОАТ “Алоқабанк” ривожланиш стратегиясига мувофиқ, инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатишни кенгайтириш кўзда тутилган.

## **2.2. ОАТ “Алоқабанк” мижозларига кўрсатилаётган хизматларнинг амалдаги ҳолати таҳлили**

Тижорат банклари ривожланиш стратегиясида асосий йўналиш сифатида янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш ёки уларни модернизация қилишга эътиборларини қаратадилар. Яқинда юз берган жаҳон молиявий-

иқтисодий инқироzi ва унинг оқибатларини, шунингдек, ҳозирги вақтда жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда, муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, "... банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади"<sup>18</sup>. Тижорат банклари янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ўзларининг иқтисодий ўсишини ва рақобатбардошлигини, барқарорлигини таъминлашда муҳим восита сифатида баҳолайдилар. Чунки банклар бозорда янги маҳсулотларни жорий этиш ва сифатини яхшиламасдан самарали фаолият кўрсата олмайдилар.

Бугунги кунда ОАТ “Алоқабанк” юридик ва жисмоний шахсларга ўзининг хилма-хил хизматларини кўрсатиб келмоқда (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал


### ОАТ “Алоқабанк” томониданг кўрсатилаётган хизмат турлари<sup>19</sup>

| Жисмоний шахслар учун:                                                                                                                                                                                                                                                    | Юридик шахслар учун:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>– кредитлаш;</li> <li>– пластик карталар хизмати;</li> <li>– омонатлар;</li> <li>– тўловлврни қабул қилиш;</li> <li>– ҳисоб-касса хизматлари;</li> <li>– халқаро пул ўтказмалари;</li> <li>– масофавий банк хизматлари.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>– кредитлаш;</li> <li>– факторинг хизматлари;</li> <li>– корпаратив пластик карточкалар;</li> <li>– масофавий банк хизматлари;</li> <li>– лизинг операциялари;</li> <li>– лойиҳаларни молиялаш;</li> <li>– ташқи иқтисодий фаолият;</li> <li>– банк кафолати;</li> <li>– депозит операциялари;</li> </ul> |

<sup>18</sup>Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент. Ўзбекистон, 2010.

<sup>19</sup> ОАТ “Алоқабанк”нинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Банк фаолиятининг асосий хизмат турларидан бири бу кредитлашдир. ОАТ “Алоқабанк” кредит портфелини диверсификация қилиш сиёсатини қўллаган ҳолда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларга молиявий кўмак бериш мақсадида миқдорларга ўзининг жозибадор кредит турларини тақдим этиб келмоқда (2.2.1-2.2.2-расмлар).



2.2.1-расм. “Алоқабанк” томонидан хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган кредит турлари<sup>20</sup>

<sup>20</sup> ОАТ “Алоқабанк” расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2.2.2-расм. “Алоқабанк” томонидан жисмоний шахсларга тақдим этилаётган кредит турлари<sup>21</sup>

Кредитлаш жараёнида маҳаллий хом-ашё ва ресурсларни қайта ишлашга йўналтирилган ишлаб-чиқариш корхоналарини яратишга, иқтисодиётнинг реал секторини кенгайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**2013 йил 1 январ ҳолатига банк активларининг 406,2 млрд. сўми ёки 64,6 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,6 млрд. сўмга ёки 132,9 фоизга ўсди. Шунингдек, кредит портфелининг 85,6 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.**

**Тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қиламиз (2.2.2-жадвал).**

#### 2.2.2-жадвал

ОАТ “Алоқабанк” томонидан берилган кредитларнинг  
муддати бўйича таркиби<sup>22</sup> (31 декабр ҳолатига)

| № | Кўрсаткичлар | 2011 йил | 2012 йил | Фарқи |
|---|--------------|----------|----------|-------|
|---|--------------|----------|----------|-------|

<sup>21</sup> ОАТ “Алоқабанк” расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>22</sup> ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

|   |                                | Млн.<br>сўмда | Салмоғ<br>и % | Млн.<br>сўмда | Салмоғ<br>и % | Ўсиш<br>даражаси,<br>млн.сўмда | Ўзгариш<br>и,<br>(%) |
|---|--------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|--------------------------------|----------------------|
| 1 | Қисқа<br>муддатли<br>кредитлар | 118 416       | 39            | 179 893       | 45            | 61 477                         | 152                  |
| 2 | Узоқ муддатли<br>кредитлар     | 186 175       | 61            | 224 034       | 55            | 37 859                         | 120                  |
| 3 | Жами берилган<br>кредитлар     | 304 591       | 100           | 403 927       | 100           | 99 336                         | 133                  |

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2011-2012 йилларда банк томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати ижобий ҳолатга эга яъни узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга (2012 йилда 2011 йилга нисбатан ажратилган кредитлар 33 фоизга ошган.).

Банк умумий кредитлари таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғи юқори даражада экан. 2011 ва 2012 йилда жами кредитларнинг мос равишда 61 ва 55 фоизини ташкил этмоқда ва 2012 йилда узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи 2011 йилга нисбатан 20 фоизли пунктга ошганлиги банкларнинг узоқ муддатли кредитлаш амалиётининг ривожланаётганлигидан далолат беради. Бу эса, корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланишида банк кредитларидан фойдаланишни сезиларли даражада ўсганлигидан далолат беради. Шунини таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт ва инфляция даражаси барқарор бўлган ҳолатдагина тижорат банклари узоқ муддатли кредитлар беришдан манфаатдор бўлишади.

Жумладан, ОАТ “Алоқабанк” жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш учун истеъмол кредитларини бермоқда. Маҳаллий уй-рўзғор техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан яқин алоқа ўрнатилган. Шунга кўра, ОАТ “Алоқабанк” юртимиз аҳолисига уй-жой масалаларига кўмаклашиш билан бир қаторда, муносиб турмуш тарзини яратишга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ҳамюртларимизга турли уй жихозлари, оргтехника, мебель сотиб олиш, ўқиш ва даволаниш каби тадбирларга истеъмол кредитлари бермоқда.

2012 йилда ОАТ “Алоқабанк” бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезкор мослашган ҳолда, корпоратив мижозлар учун маҳсулотлар ва хизматлар қамровини ҳамда тармоғини кенгайтиришда давом этди. Банк кредит портфели ўсишининг барқарор тенденцияси ва тақдим этилаётган маҳсулотларнинг кўлами ошиши кузатилмоқда. Кредитлашда замонавий технологияларидан фойдаланиш банк мижозларига мажмуавий хизмат кўрсатиш ва уларнинг жорий фаолиятини молиялаштиришдаги эҳтиёжларини тезкор қондириш имконини бермоқда.

**ОАТ “Алоқабанк” мавжуд бозор шароитига мувофиқ кредитларнинг соҳавий диверсификациясини амалга оширмоқда. Банк 2012 йилда кенг қамровли кредит сиёсатини амалга оширишда давом этди, бу эса кредит хатарларини ва йўқотишларни минимал даражада сақлаб туриш имконини яратди.**

**Қуйидаги 2.2.3-жадвалда ОАТ “Алоқабанк” томонидан ажратилган кредитларнинг портфел структураси келтирилган.**

### 2.2.3-жадвал

ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели структураси<sup>23</sup> (31 декабр ҳолатига)

| №    | Кредит портфели структураси | 2011 йил    |            | 2012 йил    |            | Фарқи                    |             |
|------|-----------------------------|-------------|------------|-------------|------------|--------------------------|-------------|
|      |                             | Млрд. сўмда | Салмоғи, % | Млрд. сўмда | Салмоғи, % | Ўсиш даражаси, млн.сўмда | Ўзгариши, % |
| 1    | Саноат                      | 96,6        | 32         | 134,05      | 33         | 37,45                    | 138         |
| 2    | Қишлоқ хўжалиги             | 35,4        | 12         | 48,75       | 12         | 13,35                    | 137         |
| 3    | Транспорт ва алоқа          | 91,9        | 30         | 60,93       | 15         | -30,97                   | 66          |
| 4    | Қурилиш                     | 25          | 8          | 77,18       | 19         | 52,18                    | 308         |
| 5    | Савдо ва умумий овқатланиш  | 26,8        | 9          | 28,44       | 7          | 1,64                     | 106         |
| 6    | Молиявий хизматлар          | 17,1        | 5          | 16,25       | 4          | -0,85                    | 95          |
| 7    | Бошқа тармоқлар             | 12,8        | 4          | 40,62       | 10         | 27,82                    | 317         |
| Жами |                             | 305,6       | 100        | 406,22      | 100        | 100,62                   | 133         |

**Банкнинг инвестицион кредитларига назар ташлайдиган бўлсак, банк томонидан бир қанча тармоқларга кредит йўналтирилган. 2011 йилда жами кредитлар салмоғининг 32 фоизини саноат тармоғи ташкил этмоқда. 2012 йилда ҳам улушлар ҳисобида ушбу кўрсаткич энг юқори ўринни эгаллаб**

<sup>23</sup>ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

турибди. Ушбу тармоғнинг умумий нисбатини оладиган бўлсак, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 37,45 млрд. сўм кўпроқ кредит ажратилган бўлиб, 38 фоизга ошган.

Салмоғ жихатдан кейинги ўринда 2011 йилда транспорт ва алоқа тармоғи турган бўлса, 2012 йилда ушбу ўринни қурилиш тармоғи эгаллаб турибди. Яъни, улушлар мос равишда 30 ва 19 фоизни ташкил этмоқда.

Тармоқлар умумий нисбатига эътибор берадиган бўлсак, деярли барча тармоқларга ажратилган кредит миқдорининг ортганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина транспорт ва алоқа, молиявий хизматларга ажратилган кредитлар миқдори камайган яъни, 30 ва 5 фоизга. Юқорида айтиб ўтганимиздек ушбу камайишлар умумий кредит ҳажмига ўз таъсирини кўрсатмаган.

ОАТ “Алоқабанк” республика қимматли қоғозлар бозорининг фаол қатнашчиси ҳисобланади. Ҳисобот санасига (31.12.2012 йил) банкнинг қимматли қоғозларга ва корхоналар устав фондига йўналтирган инвестицияларининг умумий миқдори 9,35 млрд. сўмни ташкил этди (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. “Алоқабанк”нинг инвестиция портфели таркиби, млрд. сўмда (31.12.2012 йилҳолатига)<sup>24</sup>

Демак, банк томонидан жами 9,35 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилган бўлиб, улардан энг юқори улуш маъсулияти чекланган жамиятлар устав фондига ва жамоат фондлари устав фондига йўналтирилган

<sup>24</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011 ва 2012 йиллик ҳисоботи асосида.

инвестиция ташкил этмоқда, яъни 5,1 млрд. сўм бўлиб, банк томонидан йўналтирилган инвестицияларнинг 54,55% ига тўғри келмоқда. Салмоғ жиҳатдан кейинги ўрин акциядорлик жамиятларининг акцияларига йўналтирилган инвестицияга тўғри келмоқда. Яъни 2,2 млрд. сўм бўлиб, банк томонидан йўналтирилган инвестицияларнинг 23,53% ига тўғри келмоқда. Жамоат фондлари устав фондига ҳам йўналтирилган инвестиция 0,05 млрд. сўм.

2012 йил давомида банк томонидан корхоналарнинг қимматли қоғозларига ва устав фондига йўналтирилган инвестициялардан 1,5 млрд. сўм миқдорида даромад олинди.

ОАТ “Алоқабанк” Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг фаол қатнашчиси ҳисобланади ва қимматли қоғозлар билан қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- шахсий акцияларни очик обуна йўли билан эмиссия қилиш ва жойлаштириш;
- юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва жойлаштириш;
- жисмоний шахслар учун жамғарма сертификатларни чиқариш ва жойлаштириш;
- акция, облигация ва ўзга эмитентларнинг бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш;
- ўзга эмитентларнинг қимматли қоғозларнинг барча турларини сақлаш;
- давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки облигацияларини сотиб олиш;
- РЕПО келишувларини (қимматли қоғозларни қайта сотиш шarti билан олди-сотди келишувлари) амалга ошириш.
- давлат қисқа муддатли облигациялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки облигациялари билан битимларни тузишда, ўз номидан воситачи сифатида, инвестор ҳисобидан ва топшириғи билан чиқиш.

Банкнинг мустаҳкам ресурслар базасини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда юридик шахслар учун депозит сертификатлар,

корпоратив облигациялар ҳамда жисмоний шахслар учун жамғарма сертификатлари каби қимматли қоғозлари чиқариб келинмоқда.

2012 йил давомида банк томонидан 100 млрд. сўмлик депозит сертификатлар ҳамда 3,0 млрд. сўмлик узоқ муддатли корпоратив облигациялар муомалага чиқарилиб инвесторлар ўртасида тўлиқ жойлаштирилди.

2012 йилнинг 31 декабр ҳолатига банк томонидан жойлаштирилган қимматли қоғозларнинг умумий қолдиғи 61,2 млрд. сўмни ёки банкнинг жами мажбуриятларининг 7,3 фоизини ташкил этади.

Банк томонидан кўрсатилиб келинаётган кенг қўламли хизмат турларидан яна бири бу депозит сертификатларидир. Депозит сертификати - пул маблағларни омонат қилиш тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг номи билан иш юритувчига белгиланган муддатда пул ва унинг фоизларини олиш ҳуқуқини берадиган, банк гувоҳномаси 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга чиқарилади. Фоизлар ҳар ойда тўланади, фоиз катталиги жамғарма муддатига боғлиқдир. Депозит сертификат эгаси, уни муддатдан олдин тўлаш ҳуқуқига эга бўлади, бунда фоизлар ишлаб чиқиш шартларига мувофиқ тўланади.

Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларидан даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омилдир.

Депозит фоиз ставкалари даражасини ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб ставкаси, пул бозори ҳолати ва ўзининг депозит сиёсатидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгилайди. Депозит ҳисобрақамларининг алоҳида кўринишлари бўйича даромад ҳажми қўйилма муддати, суммаси ва мижознинг қўйилма шартномаси шартларига амал қилишига бевосита боғлиқ.

Хусусан, ОАТ “Алоқабанк” юридик шахслар учун депозит сертификатлар бўйича фоизлар қуйидагичадир (2.2.4-расм):

6 ойдан 12 ойгача бўлган муддатда тўлаш – йиллик 6%;

13 ойдан 24 ойгача бўлган муддатда тўлаш – йиллик 7%;

25 ойдан 36 ойгача бўлган муддатда тўлаш – йиллик 8%.

2.2.4-расм. ОАТ “Алоқабанк” депозит сертификатлари муддатлари ва фоизлари<sup>25</sup>

Республикамиз тижорат банкларининг депозит базаси талаб қилиб олингунча депозитлар, муддатли ва жамғарма депозитларини ўз ичига олади.

ОАТ “Алоқабанк” депозит базаси таркиби ва динамикасини баҳолаш мақсадида 2.2.4-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки банк депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча депозит тури салмоғи юқори ўринда, яъни 2011 ва 2012 йилга мос равишда улар улушлари салмоғи 58,31% ва 65,32% ни ташкил этмоқда. Муддатли депозитлар салмоғи жиҳатдан кейинги ўринда, яъни 2011 йилда 29,91% ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу улуш 21,76% ташкил этган. Улушлар жиҳатидан энг ками жамғарма депозитларидир. Улар улушлари йилларга мос равишда 11,69% ва 12,91% дир. Йиллар орасидаги умумий фарқга назар ташлайдиган бўлсак, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 101 190 312 минг сўм кўп депозит жалб қилинган.

#### 2.2.4-жадвал

ОАТ “Алоқабанк” депозит базаси таркиби динамикаси<sup>26</sup>(31 декабр ҳолатига)

| Депозит тури             | 2011 йил    |                   | 2012 йил   |                   | Ўзгариши<br>(+;-) |
|--------------------------|-------------|-------------------|------------|-------------------|-------------------|
|                          | Минг сўмда  | Сал-<br>моғи<br>% | Минг сўмда | Сал-<br>моғи<br>% | Минг сўмда        |
| 1                        | 2           | 3                 | 4          | 5                 | 6=4-2             |
| Талаб қилиб<br>олингунча | 156 644 646 | 58,31             | 241586981  | 65,32             | 84942335          |

<sup>25</sup> ОАТ “Алоқабанк” расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


<sup>26</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Банк ахборотномаси, 2013 йил 24 апрель 17-18, аудит натижалари асосида.

|                   |            |       |           |       |           |
|-------------------|------------|-------|-----------|-------|-----------|
| Жамғарма депозити | 31 409 773 | 11,69 | 47762179  | 12,91 | 16352406  |
| Муддатли депозит  | 80592182   | 29,91 | 80487753  | 21,76 | -104429   |
| Жами              | 268646601  | 100   | 369836913 | 100   | 101190312 |

Талаб қилиб олингунча ва жамғарма депозитида ўсиш кузатилган, ва аксинча муддатли депозитда 104 429 минг сўмга пасайиш кузатилган. Лекин бу умумий фарқга таъсир қилмаган.

ОАТ “Алоқабанк” ўз тўлов тизимини такомиллаштириш, замонавий банк технологияларини қўллаш, шу жумладан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратади.


2012 йилда банк пластик карточкаларини эмиссия қилиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 135,6 фоизга ошди ва 126 940 тани ташкил қилди. Бунга сабаб, банк миқозлари сонининг ошишидир. Сабаби банк ҳисоб-китобини юритаётган хўжалик юритувчи субъект ходимларининг иш ҳақи лойиҳалари айнан ОАТ “Алоқабанк” томонидан эмиссия қилинган пластик карточкалар хизмат қилади (2.2.5-расм).



2.2.5-расм. “Алоқабанк”нинг пластик карточкалар динамикаси<sup>27</sup>, дона

ОАТ “Алоқабанк” миқозлар сонини ошириш билан бирга хизматлар тармоғини ҳам кенгайтириб бормоқда. 2012 йилда ОАТ “Алоқабанк” ўзининг терминаллари тармоғини 109,6 фоизга ошириб, терминаллар сонини 3 180 тага етказди (2.2.6-расм).

<sup>27</sup>ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2.2.6-расм. “Алоқабанк”нинг терминаллар динамикаси<sup>28</sup>, дона

Иш ҳақи лойиҳалари доирасида корпоратив миждозлар билан ишлаш банкнинг пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Банкнинг корпоратив миждозлар иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириш учун пластик карточкалар ҳисобрақамларига ҳисобот даврида 120,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди. Банк ўзининг маҳсулотларини нафақат корпоратив миждозлар учун, балки унинг ходимлари учун ҳам фойдали эканлигини исботлади.

### 3. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ КУРАШИ ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

#### 3.1. Банклараро рақобат кураши шароитида миждозларга кўрсатиладиган банк хизматларини ривожлантириш йўллари

Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим, устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги туфайли республикаимиз иқтисодиётининг бошқа тармоқларида бўлгани каби, банк-молия тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар асосида ушбу соҳанинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида юртимизда халқаро стандартларга мос келувчи замонавий банк тизими шаклланди. Хусусан банк тизимига бўлган ишонч ортиб, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, микрокредит ва микролизинг каби хизматларнинг янги турлари ўзлаштирилди. Омонатларнинг эътиборни тортадиган турлари

<sup>28</sup>ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

жорий этилди.

Шу билан бирга, бозор муносабатларининг тобора такомиллашиб бораётганлиги баробарида банк-молия тизимида рақобат муҳитининг кучайиши, ўз навбатида бу соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, шунингдек, банкларнинг эмиссион фаолиятини ошириш ҳамда инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада фаоллаштиришни тақозо этади.

Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигининг янада мустаҳкамланиши, янгидан-янги соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши, импорт ўрнини босувчи товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, миллий ишлаб чиқариш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Бу жараёнларда республикамиз тижорат банклари иштирок этаётганлиги айниқса эътиборлидир. Президентимизнинг банк тизимини янада ислох қилиш борасида 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори бунда дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Энг аввало, республика молия-банк тизими барқарорлиги ва салоҳиятини ошириш, банклар ва бутун молия-банк тизими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, умумқабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банклар фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорироқ даражасига чиқишини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларнинг бажарилишига асосий эътибор қаратилди. Бунинг натижасида банкларда кредитлаш жараёнлари оптималлашди ва соддалашди, банкларни бошқариш сифати яхшиланди, соҳада рақобат муҳити кучайди, кредитлаш ҳажмлари ошди. Ҳозирда мамлакатимизда жами тижорат банклари сони 28дан ортиқни ташкил этиб, уларда 832 та филиал, 4 000 дан ортиқ минибанк ва махсус кассалари фаолият юритмоқда<sup>29</sup>.

Халқаро валюта фондининг охирги тадқиқоти натижаларига кўра,

---

<sup>29</sup> <http://www.cbu.uz>

Ўзбекистонда банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари, жумладан банк хизматларидан фойдаланиш даражаси индикатори ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сонига кўра МДХ давлатлари ўртасида етакчилик қилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётгани халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Катта нуфузга эга бўлган “Mudis” халқаро рейтинг агентлиги томонидан кетма-кет охириги уч йилда республикамыз банк тизимининг ривожланиш истиқболларига “барқарор” рейтинг даражаси берилди. “Standart end Purs” халқаро рейтинг агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги “Fitch reytings” рейтинг агентлиги томонидан ҳам эътироф этилди.

Банк тизимида амалга оширилаётган ишлар натижасида охириги 10 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банклардаги депозитлари ҳажми 30 мартага, шу жумладан, аҳоли омонатлари ҳажми 41 баробарга ошди. Охириги уч йил ичида банклардаги жами депозитларнинг ҳажми 2,6 баробарга, шу жумладан, аҳоли омонатлари 2,4 баробарга ортди. Банкларнинг кредит портфели таркибидаги сифат ўзгаришлари натижасида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги салмоғи 79,2 фоизга этди. Муддати 3 йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоизга кўпайиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этмоқда. Умуман, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми сўнгги 10 йилда 9 мартага, охириги 3 йилда 2,4 баробарга ошди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан инвестиция мақсадларига ажратилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 5,7 трлн. сўмни ташкил қилди. Охириги 5 йилда инвестициявий кредитларнинг ҳажми 4 баробарга, охириги 3 йил ичида эса 2,2 баробарга ошди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 3,45 трлн. сўмлик (ўтган йилнинг шу давридагига

нисбатан 1,31 марта кўп) инвестициявий кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

Барчамизга маълумки, инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2008 илдан бошлаб иқтисодий ночор ёки банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини тижорат банклари балансига ўтказиш бўйича ноанавий ёндашув жорий этилиб, 2008-2012 йиллар давомида тижорат банклари балансига жами 171 та иқтисодий ночор корхоналар қабул қилинди. Ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 442,6 млрд. сўмдан ортиқ инвестициялар киритилди. Бунинг натижасида 122 та корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланиб, улар янги инвесторларга сотилди. 23 минга яқин янги иш ўринлари яратилди. Фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 2,3 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан 631,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Бугунги кунда тижорат банклари балансидаги 49 та корхоналардан 34 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни қайта тиклаш бўйича кўрилган чоратadbирлар натижасида уларнинг бюджет олдидаги ва иш ҳақи қарздорликларининг тўланиши таъминланди ҳамда банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилиб, аҳоли иш билан таъминланди ва энг асосийси, мамлакатимиз ички бозори юқори талабга эга бўлган арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Жорий этилган ноанавий механизм тижорат банклари балансига қабул қилинган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, шунингдек иқтисодий ночор корхоналарда янги турдаги рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳамда замонавий бошқарув усулларини тадбиқ этиш учун имкон яратди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки банк тизимига бўлган ишонч даражаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормокда. Буни “Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказининг ижтимоий тадқиқот натижалари ҳам тасдиқламоқда. Хусусан, сўнги ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 95% мамлакатимиз банкларига ишончи юқори эканлигини ҳамда ўз жамғармаларини банкларда сақлашларини билдирган. Банкларнинг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг мутассил ўсиб бораётгани, ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда тезкорлик билан ривожланиб келаётган, муаммоли ва истиқболли янги банк хизмати – интернет-банкнинг ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, келажакда банк мижозларининг қарийб ярми интернетнинг глобал жаҳон тармоғидан банклар билан ҳамкорлик қилиш учун фойдаланадилар. Таъкидлаш лозимки, мижознинг талаби бўйича унинг банк мутахассиси билан бевосита мулоқотисиз банк маҳсулотлари ва хизматларини беришни ҳам масофадан банк хизмати кўрсатиш деб аташ мумкин. Масофадан банк хизмати кўрсатишни таърифлаш учун бир қатор асосий омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин, лекин, банкнинг мижоз талабларига дарҳол муносабат билдириши энг муҳим омилдир. Ушбу омил асосида хизматларни даражалаб, банклар масофадан банк хизмати кўрсатиш доирасида амалга оширадиган ҳамма операцияларни иккита асосий тоифага: офлайн (off-line) режимида ва онлайн (on-line) режимида ўтадиган операцияларга ажратиш мумкин (3.1.1-расм).

**Офлайн режимида масофадан банк хизмати кўрсатиш катта камчиликка эга – мижознинг банк операциясини амалга ошириш истаги билан банкнинг ушбу операцияни бажариш ҳақидаги фармойишни ижро этиш пайти ўртасида фарқ пайдо бўлади. Ушбу фарқнинг вужудга келиши мижознинг операцияни амалга ошириш ҳақидаги фармойишини банкка узатиш учун анча вақт сарфланиши билан боғлиқ. Масофадан банк хизмати онлайн режимида кўрсатилган тақдирда мижознинг ўзи банк операциясини амалга ошириш ташаббускори бўлади ва бу ҳолатда маълумотларни мижоздан банкка электрон усулда узатиш вақтида вужудга келадиган арзимаган фарқ ҳосил бўлади.**

## МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ (МБХ)

### ОФЛАЙН РЕЖИМ

МБХ кўрсатишнинг офлайн режимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- банкка фармойишни анъанавий почта орқали қоғозда юбориш;
- банкка фармойишни электрон рақамли имзо билан электрон почта орқали юбориш;
- банкка фармойишларни факсимил орқали юбориш.

### ОНЛАЙН РЕЖИМ

МБХ кўрсатишнинг онлайн режимига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мобил банкинг тизими орқали хизмат кўрсатиш;
- интернет -банкнинг ва банк-мижоз тизимлари орқали хизмат кўрсатиш;
- банкомат орқали операцияларни ўтказиш;
- ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган банк дўконлари орқали хизмат кўрсатиш.

### 3.1.1-расм. Масофадан банк хизмати кўрсатиш<sup>30</sup>

Масофадан банк хизмати кўрсатишнинг онлайн режимида амал қилаётган энг жўшқин ривожланиб бораётган канали банк маҳсулотлари ва хизматларини интернет тармоғи орқали тақдим қилишдан иборатдир.

Албатта, табиий савол туғилиши мумкин. Нима сабабдан интернет-банк ва мижоз-банк тизимлари орқали хизмат кўрсатиш онлайн режимида масофадан банк хизмати кўрсатишнинг бошқа усулларига қараганда истикболли? Бунинг сабаблари бир нечта бўлиб, уларни батафсилроқ таҳлил қилишимиз мумкин.

Биринчидан, интернет глобал тармоғидан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганлиги.

Иккинчидан, интернет глобал тармоғи орқали сотиладиган банк маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Интернетдан фаол фойдаланувчиларнинг бу қадар тез кўпайиб бораётганлиги банкларга глобал тармоқ ёрдамида тарқатиладиган банк маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланувчилар сонини жадал суръатлар билан кўпайтириб бориш имконини бермоқда.

<sup>30</sup>“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, сентябрь, 2011 йил.

Учинчидан, мижозларга интернет тармоғи орқали банк хизматлари кўрсатилганида чиқимлар анча камаяди.

Тўртинчидан, электрон тижорат ривожланиши билан жисмоний шахсларга интернет орқали банк хизмати кўрсатиш зарурлиги. Электрон тижорат ривожланиши интернет орқали маҳсулот харид қилинганида ҳақ тўлаш механизмларини ишлаб чиқишга сабаб бўлди. Дастлаб, интернет орқали товар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун кредит ва дебет карточкаларидан фойдаланилди (карточканинг реквизитлари буюртма билан бирга сотувчига жўнатилади). 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, тўловларни амалга ошириш учун интернетда интернет-банк туридаги тизимлардан фойдаланила бошланди. Бироқ, банк хизматларини кўрсатиш шаклларигина ўзгариб қолмасдан, интернет тармоғида электрон тижоратнинг ривожланиши, ҳатто, пул маблағларининг эволюциясига ҳам таъсир этди – чеклар ва банкнотларнинг ўхшаши бўлган «электрон пуллар» (E-money) пайдо бўлди.

Интернет-банкнинг ривожланишини таҳлил қилар эканмиз, мижозлар учун зарур бўлган интернет-банкнинг тизимининг учта муҳим хусусиятини ажратамиз:

- функционал имкониятлар (мижозларга мумкин бўлган операция);
- тизимдан фойдаланишнинг қулайлиги (қўлланиш интерфейси).
- молиявий маълумотларни бериш ва уларни сақлаш хавфсизлигини таъминлаш.

Миллий банк тизимини янада ривожлантириш борасида ривожланган давлатлар банк тизими тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, тижорат банкларида инновацион банк хизмати сифатида интернет-банкнинг ривожлантириш ва бу мақсадида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб этиш ҳамда банк даромадлилигини ошириш ва улар хизматлари турларини кўпайтириш мақсадида мамлакатимиз банкларида интернет-банкнинг тизимлари (internet-banking, online-banking), «банк-мижоз» тизимлари (PC-banking, home-banking, telephone-banking), мобил-банкнинг

тизимлари (SMS-banking<sup>31</sup>, advanceSMS-banking, STK-banking<sup>32</sup>, JAVA-banking<sup>33</sup>, WAP-banking<sup>34</sup>) каби замонавий банк хизмат турларини янада ривожлантириш лозим.

2. Интернет-банкнинг ривожлантириш мақсадида банк мутахассислари ва мижозлари учун тегишли семинар, тренинг ва дастурларни ташкил этиш керак.

3. Интернет-банкнинг тизимини такомиллаштириш ва хавфсизлигини янада ошириш мақсадида замонавий операцион тизим, интернет браузер ва антивирус дастурларидан кенг фойдаланиш лозим.

4. Интернет-банкнинг мураккаброқ тизимларини, яъни мижозларга кредит олиш учун буюртма тузиш, ўз ҳисобварақларига доир ахборотни ўз компьютерига киритиш, қўшимча банк карточкаси чиқаришнинг ташаббускори бўлиш ёки муддатли депозит очиш имкониятларини ривожлантириш лозим.

5. Интернет-банк тизимида миллий валютада ҳам, чет эл валютасида ҳам муддатли омонатлар очиш ва уларни юритишни жорий қилиш лозим. Бундай хизмат банк мижозларига ҳисобварақдаги вақтинча бўш турган маблағларни тезкор равишда инвестициялашгина эмас, балки капиталнинг ўсиш жараёнини кўриш имконини ҳам беради.

Шуни унутмаслик керакки, банк тизими фаолиятининг асосий вазифаси реал ишлаб чиқаришни кредитлашдан иборат.

Кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банklar кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар банklar фаолиятида онлайн кредитлаш тизими ривож топмоқда. Онлайн кредитлаш бу аризаларни ва

---

<sup>31</sup> SMS-банкнинг, SMS протоколи бўйича банк хизматларини кўрсатиш.

<sup>32</sup> STK-банкнинг, мижознинг сим-картаси “қайта юкланади” ва унинг мобил телефонида банк хизматларини кўрсатиш қўшимча менюси пайдо бўлади.

<sup>33</sup> JAVA-банкнинг, мижознинг мобил телефонида JAVA-иловаларни ўрнатиш орқали GPRS протоколи бўйича банк хизматларини кўрсатиш.

<sup>34</sup> WAP-банкнинг, WAP протоколи бўйича интернет орқали банк хизматларини кўрсатиш.

кредит олиш учун талаб қилинадиган хужжат нусхаларини масофадан туриб банкга тақдим этишдир. Кредит аризаларини онлай тарзда қабул қилиш амалиётини мамлакатимиз банклар фаолиятига жорий қилиш улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини такомиллашувини таъминлайди ва тижорат банклари ўртасида мавжуд рақобатлашув шароитида банк хизматларининг ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган замонавий турларидан фойдаланиш ўзига хос равишда уларнинг жозибадорлигини оширади. Бунинг учун албатта биринчи навбатда банкларимизнинг ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ахборот технологиялари билан тўлиқ қуролланган бўлишлари, бундан ташқари мижозлар ҳам ушбу технологиялар билан таъминланган бўлишлари лозим.

Тижорат банклари аҳолига хизматлар кўрсатиш жараёнида нафақат бошқа банклар томонидан кўрсатиладиган рақобатни, балки нобанк муассасалар томонидан кўрсатиладиган рақобатни ҳам ҳисобга олишлари лозим. Улар кредит уюшмалари томонидан мижозларга берилаётган кредитларни тартиб - қондасини, фоиз ставкаларини ва мижозларнинг хоҳиш – эҳтиёжларини доимо ўрганиб уни мониторингини олиб боришлари лозим. Бу эса, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини янада оширишига олиб келади.

Ўзбекистонда банк муассасаларининг кенг тармоққа эга бўлаётганлигини, ўз навбатида, мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш, уларнинг банк хизматида бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан миллий банк тизимидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири, банк хизматлари сифатини ва маданиятини юксалтирган ҳолда, тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни “банк мижоз учун” тамойили асосида ташкил этишдан иборатдир. Ушбу тамойилни амалга оширишда банк маркетингига аҳамият кучайтирилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банкларида маркетинг бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди ва уларни

**малакали мутахассислар билан таъминладилар.**



3.1.2-расм. Банк ишини янада такомиллаштириш йўллари<sup>35</sup>

**Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари ўз хизмат турларини ривожланишини таъминлаш ва такомиллаштириш мақсадида узоқ муддатли истиқболли асосий вазифалар этиб қуйидагиларни белгилашлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади:**

- банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ўсишини таъминлаш;
- инновацион қарорлар ва маҳсулотларни жорий этиш;
- банк инфраструктурасини ривожлантириш;
- чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган амалиётлар ҳажмини ва улар бўйича олинadиган даромадлар ҳажмини ошириб бориш;
- замонавий маркетинг услубларини тадбиқ қилиш ва ривожлантириш. банк имиджини, жамоатчилик билан алоқа тизимини, маркетинг стратегияларини банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқ шакллантириш;
- банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича корпоратив ҳамда чакана миқдорлар базасини сифатли ва миқдорий кенгайтириш;

<sup>35</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– банк мижозлари учун электрон тўловлар ва электрон ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришда бозордаги етакчилар стратегиясига амал қилган ҳолда инновацион технологияларни тадбиқ этиш.

Банк тизими фаолиятига биз юқорида келтириб ўтган таклиф ва тавсияларни жорий этиш мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда молия-банк тизимининг иштирокини янада фаоллаштиришга имкон яратади ва банклараро рақобат шароитида банк соҳасини янада унумлироқ ва тезкор тараққий этишига, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга ва бунинг натижасида банк мижозлари сонининг ошишига олиб келади.

#### **4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ**

##### **4.1. Фавқулодда вазият ва улардан муҳофазаланиш**

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

- 1. Локал (объект миқёсидаги) ФВ.**
- 2. Маҳаллий ФВ.**
- 3. Республика (миллий) ФВ.**
- 4. Трансчегаравий (глобал).**

Локал фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият

пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда — фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охириги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнеп ва бошқа) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.


ФВДТ бошқарув органларининг объектлар даражасидаги вазифалари қўйидагилардан иборат:

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, объектлар ишининг ФВ чоғида ишончлилиги ва барқарорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

- бошқарув органларининг, объектлар куч ва воситаларининг ФВ чоғидаги ҳаракатларга тайёрлигини таъминлаш;
- авария-қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга шу жумладан, объектлар ходимларини эвакуация қилишга раҳбарлик қилиш;
- фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;
- объектларнинг раҳбарлар таркиби, куч ва воситалари, шунингдек, ходимларини ФВлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш.

Хар бир корхонанинг ФМ бошлиғи ФМни ташкил этилишини, унинг ҳолатини, кучларини, техникасини доимий тайёр ҳолатда бўлишлигини назорат этади, ҳамда қутқарув ва қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади. Корхона ФМнинг бошлиғи шу корхона жойлашган район ФМга ва шу корхонанинг юқори ташкилоти ФМсига бўйсунди.

Қутқарув отрядларининг ташкилий тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин(4.1.1-расм):



4.1.1-расм. Қутқарув отрядларининг ташкилий тузилиши<sup>36</sup>

Катта корхоналарда бир неча ўринбосарлар тайинланади, жумладан:

а) ишчи-хизматчиларни жойлаштириш (ёки эвакуация бўйича);

<sup>36</sup> Ёрматов Ғ.Ё.,Исамухамедов Ё.У. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистон нашриёти. Тошкент 2002.

**б) муҳандис-техник ишлари бўйича;**

**в) моддий-техника таъминоти бўйича. ФМнинг ишчи-хизматчиларни жойлаштириш бўйича ўринбосари жойлаштириш режаларини ташкил этади, уларнинг оилаларини эвакуация этиш, жамоат тартибини сақлаш ишларига бошчилик қилиш ҳамда ишчи-хизматчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ишларини ташкиллаштириш вазифаларини бажаради.**

**ФМнинг муҳандис-техник бўлими ўринбосари корхонанинг бош муҳандиси ҳисобланади. Бунинг вазифаси ишлаб чиқаришни алоҳида режим асосида ишлаш режасини тузиш, тинчлик даврида ишлаб чиқаришни муттасил ишлашини таъминлаш, экстремал ҳолатларда авария-техника ва ёнғинга қарши хизматларни, қутқариш ишларини олиб боради.**

**Бундан ташқари, табиий офатлар, авария, ҳалокат бўлганда қутқариш ва аварияни тўсиш ҳамда қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади.**

**ФМнинг моддий техника таъминоти бўйича ўринбосари қилиб корхонанинг таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари тайинланади. Бу мансабдор шахс махсус жихозларни, техника, транспорт ва муҳофазага тааллуқли жихозлар билан таъминлайди ва сақлайди. Яна у бошпаналарни қуриш ва ўз қўл остидаги ишчи-хизматчиларни эвакуация қилишни таъминлайди ҳамда иншоотларни таъмирлаш ишларини бажаради.**

**Корхонада ФМнинг штаби тузилади. Бу штабда ҳар хил буйруқлар, бажариладиган чора-тадбирлар ва ФМнинг юқори ташкилот талабномалари, иш режалари ишлаб чиқилади, унинг бажарилиш ҳисоботлари тузилади. Корхона штаб бошлиғи этиб, шу корхонанинг ФМ бошлиғининг биринчи ўринбосари тайинланади. ФМнинг штаби зиммасида ишчи-хизматчиларни ва корхона ходимлари оилаларини қирғин қурооллар таъсиридан, душманнинг бевақт ҳужумидан ўз вақтида огоҳ қилиш вазифаси туради.**

**ФМ штаби асосида қўйидаги хизматли тизимлар ташкил этилади:**

- алоқа ва ташвиқот;**
- медицина;**
- радиация ва кимёвий қурооллар таъсирига қарши;**
- жамоат тартибини сақлаш;**
- электр таъминоти;**

- авария-техникани таъмирлаш;
- панада ва қочоқлар масканида хизмат кўрсатиш;
- транспортда хизмат кўрсатиш;
- моддий таъминот ва бошқа вазифалар.

Буларга махсус топшириқларни бажариш вазифалари топширилади. Юқоридаги ҳар бир хизматга ФМ бошлиғи томонидан раҳбар этиб, бўлим, цех, смена бошлиқлари тайинланади.

Юқорида таъкидланган фуқаролар муҳофазасининг хизматли тизимларидан ташқари техника ва транспорт воситаларига махсус қайта ишлов беришда ФМнинг бир катор хизматли қисмлари кенг ишларни ташкил этади. Жумладан, ФМ лабораториялари радиоактив ва захарли моддаларни аниқлаш учун радиометрик ва кимёвий таҳлил ишларини олиб боради. Улар асосан корхона ёки ташкилотларнинг лабораториялари таркибида ташкил этилиб, унга мутахассислар жалб қилинади ва керакли асбоб-ускуналар билан жихозланади.

Радиоактив моддалар ва биологик воситалар билан захарланган одамларни тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтказиш учун ювиниш масканлари ташкил этилади. Бу масканлар асосан хаммом ва душхоналар асосида ташкил этилиб, улар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бу масканларда кийим-кечаклар, пойафзал ва шахсий сақловчи воситаларни дезактивация қилувчи майдончалар тайёрланиб жихозланади. Бир ювиниш маскани бир соатда 80 одамни санитар қайта ишловдан ўтказади.

#### 4.2. Жароҳатланиш ва касб касалликларини ўрганиш усуллари

Саноат корхоналарида бахтсиз ходисалар ва уларни келтириб чиқарувчи хавфли ҳолатлар бахтсиз ходисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни йўқотиш мақсадида аниқланади. Бу ишлар асосан оқилона усулларни қўллаш, бахтсиз ходиса ва касб касалликларининг келиб чиқишидан холи бўладиган иш шароитини ташкил қилиш ўисобига амалга оширилади.

Бахтсиз ходисалар сабабларини аниқлаш учун асосан қўйидаги

усуллардан фойдаланилади.

**1. Статистика усули.** Бу усул бахтсиз ходисаларнинг умумий статистик ҳисобга олинган саноат жароҳатланиши материалларини таҳлил қилишга асосланган. Мазкур усул саноат жароҳатланишини таҳлил қилиш учун асосий материал бўлишдан ташқари, бахтсиз ходисаларни камайтириш чора-тадбирларини кўриш учун амалий маълумот беради. Бу усул билан саноат жароҳатланишини аниқловчи частота коэффиценти ва жароҳатнинг оғирлиги коэффицентининг ўртача кўрсаткичини олиш мумкин.

Бахтсиз ходисаларнинг такрорланиш коэффицентини, 1000 ишчи ҳисобига, маълум вақт давомида саноат корхонасида келиб чиққан бахтсиз ходисаларнинг ўртача миқдорини қўйидаги формула орқали аниқлаш мумкин.

$$K = \frac{P}{T} \cdot 100 \quad (4.2.1.)$$

бунда  $P$  - маълум вақт ичидаги жароҳатланганлар сони;  $T$  - шу вақт ичида корхонада ишлаган ишчилар сони.

Бахтсиз ходисанинг оғирлик коэффицентини, яъни ҳар бир жароҳатланишнинг ўртача йўқотилган иш кунлари ҳисобини кўрсатувчи  $K$  ни қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин.

$$K = \frac{\Pi}{P} \quad (4.2.2.)$$

бунда  $\Pi$ -хамма бахтсиз ходисага учраганлар томонидан йўқотилган иш кунлари сони;  $P$ -шу даврда бахтсиз ходисага учраганлар сони.Шуни айтиб ўтиш керакки, бу кўрсаткич ҳақиқий оғиржароҳатланиш белгиларини кўрсата олмайди, чунки унинг таркибига ногиронлик ва ўлим билан тугаган бахтсиз ходисалар киритилмаган, улар алоҳида ҳисобга олинади.

Статистика усулини иккига бўлиб караш қабул қилинган: гуруҳ ва топографик усуллардир.

**Гуруҳ усули.** Статистик усулнинг таркибий қисми ҳисобланади ва бахтсиз ходисаларнинг бир хил шароитларда ва айрим белгилари билан

(масалан вақти ва содир бўлган жойи, бахтсиз ходисанинг хусусиятини ва х.к.) гуруҳ холида такрорланишини аниқлаш имкониятини беради.

**Топографик усул.** Бу усул ҳам гуруҳ усулининг кўринишларидан бири бўлиб, қуйидаги ҳолларда қўлланилади: гуруҳ усулида келтирилган бахтсиз ходисалар ҳақидаги маълумотларни ҳар хил шартли белгилар билан белгилаб (масалан, Н-І), иш участкаларининг режасида бахтсиз ходиса юз берган жойларга қўйиб чиқилади. Бу усулда маълум иш участкаларида бахтсиз ходисаларнинг такрорланиши ҳақида кўргазмали маълумот олинади.

Ҳар қандай статистик текшириш каби, бу усул билан бахтсиз ходисаларни таҳлил қилишда ҳам олинган материал, асосан бахтсиз ходиса ҳақида тузилган Н-І формадаги акт ҳар томонлама ўрганилади. Актда бахтсиз ходиса юз берган жой, жароҳатланиш тавсифи, оғирлик даражаси, воқеа сутканинг қайси вақтида юз берганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этади.

**2. Монографик усул.** Бу усулнинг моҳияти шундаки, бахтсиз ходиса юз берган айрим цех, участка ёки ишлаб чиқариш хонаси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилади. Асосий диққат-эътибор технологик жараёнларнинг чекланиши, айрим иш усуллари, ишлаб чиқаришнинг хавфли лаҳзалари ва санитария-гигиеник меҳнат шароитига қаратилиши керак. Бу усулда корхоналарда руй берган бахтсиз ходисалар, авариялар ва касб касалликларининг сабаблари аниқланади ва ўрганилади.

Худди шундай таҳлиллар турдош корхоналар буйича ҳам ўтказилади.

Монографик усул ишлаб чиқариш шароитида келиб чиқиши мумкин бўлган потенциал бахтсиз ходисаларни аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек, кўрилаётган ёки лойиҳаланаётган турдош корхоналарда шунга ўхшаш бахтсиз ходисаларнинг келиб чиқмаслигини таъминлашга ҳаракат қилинади. Бу усул хулосалари асосида лойиҳаланаётган саноат корхоналарида технологик жараёнларни ўзгартириш ва мукаммаллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

**3. Эргономикусул.** Бу усулда меҳнат турларининг ўзига хос томонлари эргономик омилларнинг меҳнат хавфсизлигига таъсир даражаси

баҳоланади.

4. Иқтисодий усул. Бу усулда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишдан келтирилган иқтисодий зарар, шунингдек, меҳнат хавфсизлигига сарфланган маблағнинг тўғри тақсимланиши бахтсиз воқеани олдини олишга кетган харажатларни самарадорлиги аниқланилади. Бу усул қўшимча усул бўлиб ҳисобланилади чунки у бахтсиз ходисаларни аниқлашга имкон беради.

Жароҳатланиш ва касб касалликларининг сабабларини таҳлил қилиш. Бахтсиз ходисаларни қайд қилиш ва ҳисобга олиш билан бахтсиз ходисаларнинг сабабларини аниқлаб бўлмайди, бу фақат бахтсиз ходиса сабабларини аниқлаш учун материал бўла олади. Ишчининг иш шароитида ишлаш фаолиятини ўрганиш унинг ишлаш қобилияти билан иш вақти ўртасида боғланиш борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Ташкилий сабаблар.Ташкилий сабабларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Саноат корхонасини лойихалаш вақтида йўл қўйилган хатолар, ишчи ва хизматчиларнинг хавфсиз ишлаш усулларига ўргатилмаганлиги, йўриқноманинг нотўғри ўтказилганлиги, ишчилар меҳнатидан мутахассислиги буйича фойдаланмаслик, хавфсиз меҳнат қилиш техник назоратининг йўқлиги, хавфли эканлигини билиб туриб, бетартиб иш юритиш ва ишчиларнинг ўзаро келишмасдан иш олиб боришлари, технологик жараёнларнинг бузилиши, ишчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш режаларининг бузилиши, иш жойларини ноқулай режалаштириш, саноат корхонаси ҳудудида йўлка ва ўтиш жойларини нотўғри жойлаштириш, иш жойларини нотўғри ташкил қилиш, нобоп иш қуролларидан фойдаланиш, шахсий муҳофаза аслаҳаларининг иш шароитига тўғри келмаслиги, тўсиқларнинг йўқлиги, хавф ҳақидаги огохлантирувчи плакатларнинг бўлмаслиги ва бошқалар.

Техник сабаблар. Станоклар, ишқуроллари, ёрдамчи воситалар ҳаракатланувчи ва юк кўтарувчи қисмларнинг конструктив камчиликлари, машина ва механизмлар айрим қисмларининг синиб ёки узилиб кетиши, технологик жараёнларнинг номукамаллиги, тўсиқ қурилмалари ва сақловчи воситаларнинг пухта ишламаслиги.

**Санитария-гигиеник сабаблар.** Об-ҳаво шаротининг (ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, ҳаракат тезлиги ва босими, иссиқлик ажралиб чиқиши) қониқарсиз бўлиши саноат корхоналаридаги ҳаво муҳитининг чангланганлиги, иш жойлари, майдонлар ва ўтиш жойларининг оқилона ёритилмаганлиги, шовқин ва титрашнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ва санитария-маиший хоналарнинг етарли эмаслиги ва санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги, шахсий гигиена талабларига риоя қилмаслик.

**Психо-физиологик сабаблар.** Ишчи психологик режимининг бузилиши натижасида вужудга келадиган сабаблар: оилавий нотинчлик, ишхонада, жамоа ўртасидаги келишмовчилик ва хоказолар.

Бу сабаблар аниқлангандан кейин иш шароитида уларнинг келиб чиқмаслигини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқиши зарур. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш эса ишлаб чиқариш шароитида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолишига ёки камайишига олиб келиши керак.

## **ХУЛОСА**

**Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини амалга ошириш миллий банк тизими ривожланишини таъминлашнинг замонавий усулларида фойдаланишни тақозо этмокда. Банк тизими барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “...банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, кўрсатилаётган банк**

**хизматларининг тури ва кўламини кенгайтири”<sup>37</sup> бўйича тизимли чоратadbирларни амалга ошириш зарурлигини тақозо қилади.**

Тижорат банклари янги банк маҳсулотлари ва хизматларини барқарор иқтисодий ўсишини ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим восита сифатида баҳолайдилар. Чунки, банклар молия бозорида юқори технологияни мужассамлаштирган янги хизматларни жорий этиш ва молиявий сифатини яхшиламасдан самарали фаолият кўрсата олмайдилар.

Ўзбекистон тижорат банкларининг янги молиявий хизматлари бозори ривожланишнинг даслабки босқичида турибди ва унинг учун хос бўлган, яъни, банклараро рақобатнинг кучайиши, инвестицияларнинг ривожланиб бориши ҳамда банк хизматларига бўлган талабнинг ошиши каби хусусиятлар янгидан-янги банк хизматларини кенг миқёсда жорий этишни заруратга айлантирмоқда.

Шунингдек, мижозлар томонидан банкларни танлаб олишда асосий омиллар: банк хизматлари хилма-хиллиги, хизматлар нарҳи (тарифлар, восита ҳақи) ва кредит ресурслари учун фоиз ставкалари эътиборга олинади. Кўрсатилаётган хизматлар учун комиссиялар ва фоиз ставкалари миқдори ўзгаришида даромадларнинг бирдан камайиши хатарини пасайтириш мақсадида банклар молия бозоридаги ҳолатни доимо таҳлил қилиб боради ва кўрсатилаётган хизматлар тариф ставкаларини адекват ўзгартириш бўйича чоралар кўради.

Ушбу йўналишдаги банкларнинг асосий ҳаракати молия бозоридаги фаолиятини кенгайтирган ҳолда банк хизматлари диверсификация даражаси ва банк хизматларининг сифатини ошириш бўйича фаолият тури ҳисобланади. Мазкур фаолият тури тижорат банкларини истиқболда барқарорлигини кучайтиради, банкрот ҳолатларидан асрайди ва уларнинг бозор муносабатларига мос моделини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

**Ушбу битирув малакавий ишда банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари хусусида сўз юритилди, ОАТ “Алоқабанк” томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматларнинг амалий ҳолати таҳлил қилинди ва банк хизмат турларини**

---

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда.

**такомиллаштириш юзасидан тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг аҳамияти, тадқиқот предмети ва объекти ҳамда тадқиқот ишининг олдига қўйилган мақсад ва вазифалари ёритилган.**

**Ишнинг биринчи боби “Банклараро рақобат шароитида мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг ташкилий асослари” деб номланган бўлиб, унда банк фаолиятининг эркинлашуви шароитида банклараро рақобат курашининг зарурлиги ва моҳияти очиб берилган ҳамда мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг таркиби ва тузилиши ҳақида сўз юритилган.**

**Ишнинг иккинчи боби бевосита таҳлил жараёни билан боғлиқ бўлиб, ушбу бобда ОАТ “Алоқабанк”нинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни белгиланган ва банк мижозларига кўрсатилаётган хизматларнинг таҳлили амалга оширилган.**

**Ишнинг учинчи бобида олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда банклараро рақобат кураши шароитида мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларини ривожлантириш йўллари борасида таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.**

**Умуман олганда банклар фаолиятида кўрсатилаётган хизматлар кўлами доирасида ижобий натижалар кузатилмоқда. Лекин шу билан бир қаторда фойдаланилмаётган имкониятлардан самарали ва унумли фойдаланиш бўйича амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

**Банклараро рақобат шароитида банк хизматларини такомиллаштириш ва улар фаолиятини кенгайтириш орқали, энг аввало, замонавий ютуқларга асосланган миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада кенгайтиришга эришилади.**

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун. 21 декабр 1995 йил (янгиланган: ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ-345-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 25 апрел 1996 йил (янгиланган: ЎзР 30.04.2013 й. ЎРҚ-352-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун. 4 апрел 2006 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағлари банк айланмасига жалб этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 720 сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ –1438 сонли Қарори.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Тошкент. Ўзбекистон. 2000.
9. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Тошкент. Ўзбекистон. 2005.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент. Ўзбекистон, 2010.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2010.

12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2011.
13. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2012.
14. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2013.
15. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Тошкент. Ўзбекистон, 2014.
16. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент. Молия, 2007.
17. Афзалов З.Ш., Кенжабоев О.Т., Рўзиев А.О. Банк автоматлаштирилган ахборот тизимлари. – Тошкент. Молия, 2006.
18. Банк ахборотномаси, 2013 йил 24 апрель 17-18, аудит натижалари.
19. Белоглазовой Н. Деньги, кредит, банки. – Москва. Юрайт. 2005.
20. Григорьева А. Минтақивий банклар самарали фаолият юритиб // Бозор, пул ва кредит. – 2008.
21. Дробозина Л.А. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – Москва. ЮНИТИ, 2000.
22. Ёрматов Ғ.Ё., Исамухамедов Ё.У. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистон нашриёти. Тошкент. 2002.
23. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, сентябрь, 2011.
24. Караматова Н. Тижорат банклари молиявий хизматларининг аҳамияти ва зарурлиги. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент. 2004.
25. Лаврушин О.И. Банковское дело. – Москва. Финансы и статистика, 1999.
26. Лунев Н.Н., Москвин В.А. Анализ качества функционирования коммерческого банка. // Банковское дело. – 2001.
27. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – Москва. Инфра-М, 2000.
28. Муллажонов Ф. Ўзбекистон банк тизими: ўн йиллик одимлари. // Банк ахборотномаси. №34, 2001.

29. Наврўзова К.Н., Ортиқов О.А. Банкларда тўлов ва ҳисоб тизими. –Тошкент. Молия, 2005.
30. Норқобилов С., Жўраев Б. Банк тизими ислоҳотлари йўлида. // Бозор, пул ва кредит. 2002.
31. ОАТ “Алоқабанк”нинг 2011-2012 йиллик ҳисоботлари.
32. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. Управление и операции. Москва. 2001.
33. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Шарқ, 2006.

#### Интернет сайтлари

<http://www.aloqabank.uz>

<http://www.bank.uz>

<http://www.cbu.uz>

<http://www.edu.uz>

<http://www.gov.org>

<http://www.uba.uz>

<http://www.worldbank.org>